

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ВА ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ
ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ**

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ХУСУСИЙ АЖРИМ:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Тадбиркорлик-
ҳуқуқий” фаолият” йўналиши талабаси
Ғойимов Бекзод Ташмуродович

Илмий раҳбар: “Фуқаролик процессуал
ва хўжалик процессуал ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси Б.Узаков

Тошкент – 2014

Мундарижа

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХУСУСИЙ АЖРИМЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Хусусий ажримлар тушунчаси ва аҳамияти.....	9
1.2. Хусусий ажримлар шакли ва мазмуни.....	20
1.3. Хусусий ажримлар чиқаришнинг фактик ва ҳуқуқий шарт- шароитлари.....	37

II БОБ. ХУСУСИЙ АЖРИМЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ) ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Хусусий ажримлар устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби.....	48
2.2. Хусусий ажримларнинг қонуний кучи.....	57
2.3. Хусусий ажримларнинг ижроси	65

ХУЛОСА.....	70
--------------------	-----------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	74
--	-----------

К И Р И Ш

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, ўз олдида инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишни конституциявий мақсад қилиб қўйди. Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тўла таъминланиши, қонунларнинг устуворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги кафолатланади.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва бу борада суд ҳокимиятининг ролини ошириш устувор вазифага айланди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди ва кафолатланди.¹

Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш суд тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнининг бош мақсад-вазифасига айлангани Президентимиз И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида тўлиқ асослаб берилди. Концепцияда мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш эканлиги алоҳида таъкидланиб, бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилди.²

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2012 йил. 10-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги

Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг ҳолислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг ҳолис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим бир йўналиши эканлигини таъкидлаб, ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарурлигини таъкидлаб келади. Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган муҳим ишлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви амалга оширилганлиги, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар тузилганлиги, улар фаолиятининг мустаҳкам қонуний асослари шакллантирилганлиги бўлди. Хусусан, Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги 2682-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони¹ фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиришга, судларда фуқаролик ишларининг қонунларга қатъий амал қилган ҳолда, сифатли ва ўз вақтида кўриб, ҳал этилишига, шунингдек юзага келган фуқаролик ишларининг сабабларини аниқлаб, унинг олдини олиш юзасидан самарали ва таъсирчан чораларни кўриш каби вазифаларни амалга оширишги хизмат қилади.

Юртбошимиз ўзларининг маърузаларида “фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгай-

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2010 йил.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2000 й. № 3. 30-модда.

тириш даркорлиги”ни,¹ бу борада “...фукаролик ишларини кўриб чиқишда, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглигини ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиш, ... даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш”² муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд қилган. Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ ислохотлари давом эттирилиб, фукаролик суд ишларини юритишнинг янги - мажбурлов турлари, шунингдек низоларни кўриб чиқишнинг бошқа соддалаштирилган кўринишлари жорий этилди. Бу эса ҳимоя қилиш жараёнини бирмунча тезлаштириш, фукароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш кафолатларини кучайтириш имконини берди.³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги⁴ ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлашда, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган самарали тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди. Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялиги лавозимига илк бор тайинланаётган шахслар учун ёш цензи 25 ёшдан 30 ёшга кўтарилди, беш йиллик юридик иш стажини шарт қилиб қўйилди, уларнинг касб тайёргарлигига нисбатан малака талаблари кучайтирилди. Судьяликка номзодлар захираларини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилиб, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эндиликда улар адлия, прокуратура, суд,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.-Б.23-24.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фукаро-лик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // “Тошкент окшоми” газ. 2002. 30 авг.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 4 октябрдаги ПФ-4570-сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сонли Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.

ички ишлар органларининг таклифлари асосида шакллантирилади. Суд ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан ўзгартирилди, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Ана шу ва бошқа қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг амалга оширилиши суд тизимининг янада мустаҳкамланишига, аҳолининг судларга бўлган ишончи ошишига кўмаклашди.

Айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ ислохотлари изчил давом этаётган ҳозирги даврда фуқаролик процессуал қонунчилик ҳам фуқаролик ишлари бўйича судлар олдида ҳам бир қатор муҳим вазифаларни қўймоқда. Хусусан, ФПКнинг 4-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари аввало, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги эътироф этилди.¹ Мазкур вазифалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-бандида кўрсатилган “ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”, деб кўрсатилган нормаларига мувофиқ келади.²

Қолаверса, ФПКнинг 2-моддаси иккинчи қисмида фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклишиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ушбу вазифалари аввало иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари, қарор ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2012 йил.

² Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.

ажримлар чиқариш орқали амалга оширилса-да, лекин процессуал қонунчилик фуқаролик ишлари бўйича қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча процессуал чораларни белгилайди. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича хусусий ажрим чиқариш, ишларни сайёр судларда кўриш шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, фуқаролик ишларини, хусусан турли хил низоли ишларни юзага келишини олдини олишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда хусусий ажримларнинг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлган хусусий ажримлар ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш, уни илмий амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Суднинг хусусий ажримларига доир миллий қонунчилик нормаларини хорижий давлатларнинг турдош қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш орқали такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиши мазкур битирув малакавий ишда у ёки бу тарзда ўз ифодасини топганлиги бизнинг назаримизда мавзунинг долзарблигини янада оширишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади - фуқаролик ишлари юзасидан суд хусусий ажримларини чиқариш билан боғлиқ айрим масалаларни тадқиқ этиш, суд-ҳуқуқ ислохотлари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда суд органларининг фуқаролик ишларини юзага келтирувчи сабабларни олдини олишдаги самарадорлигини ошириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Мазкур битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- хусусий ажрим тушунчаси ва аҳамиятини ёритиб бериш;
- хусусий ажрим шакли ва мазмунини миллий ва хорижий тажриба асосида таҳлил қилиш;
- хусусий ажрим чиқаришнинг фактик ва ҳуқуқий шарт-шароитларини ўрганиш;

- хусусий ажримлар устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартибини ёритиб бериш;
- хусусий ажримларнинг қонуний кучини таҳлил этиш;
- хусусий ажримларнинг ижросини ўрганиш;
- хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Мазкур иш фуқаролик процессида хусусий ажрим чиқариш ва унинг билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик процессуал қонунчилиги базасида олиб борилган биринчи битирув малакавий иш ҳисобланади. Унда миллий ва хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги асосида хусусий ажримларнинг шакли ва мазмунини ёритишга, хусусий ажрим чиқаришнинг фактик ва ҳуқуқий шарт-шароитларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Битирув малакавий ишнинг объектини фуқаролик суд ишларини юритишда аниқланган қонун бузилишларни олдини олишда суд томонидан чиқариладиган хусусий ажримлар ва унинг билан боғлиқ юзага келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг предметини фуқаролик процессида хусусий ажримни тартибга солувчи фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари, уларни қўллаш бўйича суд амалиёти, шунингдек тадқиқ этилаётган мавзу бўйича назарий ишлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимларининг қарашлари ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш кириш, икки боб, беш параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий иши 78 бетдан ташкил топган.

I БОБ. ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХУСУСИЙ АЖРИМЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Хусусий ажримларнинг тушунчаси ва аҳамияти

Одатда судлар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш жараёнида ўз мулоҳаза ва ҳулосаларини процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган тартибда чиқариладиган суд қарорлари шаклида ифода этади.

Юридик адабиётларда кўрасатилишича, фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра, суд қарорлари икки турга: ҳал қилув қарорлари ва ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарорига ҳал қилув қарори деб айтилиб, у суд томонидан кўрилаётган асосий масалаларга жавоб тариқасида - тарафлардан даъво талаблари бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва протестлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, чунончи: юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш бўйича қабул қилинади.¹

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳам мавжудки, улар **ажримлар** деб айтилади. Ажримлар фуқаролик процессининг юритилиши ёки унинг тўхтатилиши, тугатилиши масалалари бўйича далилларни тўплаш, процессга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш бўйича чиқарилади. Шунингдек, суд ажримларининг яна шундай турлари ҳам мавжудки, улар бошқа ажримлардан ўзининг мақсад ва мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Суд фуқаролик ишини кўриш давомида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини ёки ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар мавжуд эканлигини аниқласа, ФПКнинг 19-моддасига кўра, хусусий ажрим

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001 йил. -231 бет.

(қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга юборади.¹ Бу шахслар эса ўз навбатида, хусусий ажрим юзасидан ўзлари қўрган чоралар тўғрисида судга ушбу ажрим нусхасини олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида хабар қилишлари лозим бўлади.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Юридик адабиётларда таъкидланишича, хусусий ажримларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - у қонунчиликнинг бузилиши ва низоларининг юзага келишини олдини олиш масалалари юзасидан чиқарилиб, суд органларининг фуқаролик ишларини мазмунан қўриб, ҳал қилиш давомида қонунчиликнинг бузилишини олдини олиш бўйича процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини амалга оширишнинг муҳим процессуал воситаларидан бири сифатида эътироф этилади² Чунки суд органлари фуқаролик ишлари юзасидан одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда иш юзасидан тегишли профилактика ишларини олиб бориш имкониятига ҳам эга бўладилар ва бу имконият ўз навбатида хусусий ажрим чиқариш орқали рўёбга чиқади.

Юридик адабиётларда қонунларнинг бузилишини олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар уларни қонун билан тартибга солинишига қараб қуйидаги икки турга ажратилиши кўрсатиб ўтилади: процессуал чоралар ва процессуал бўлмаган чоралар.³

Қонунларнинг бузилишини олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган процессуал чора сифатида хусусий ажримларнинг аҳамияти жуда катта. Хусусан, суд фуқаролик ишини қўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Тошкент: «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий нашри, 2012 й. 10 бет.

² Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. - 491 б.

³ Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари. Ҳаёт ва қонун. № 1. 2004 й. 47 бет.

бузилганлигини аниқласа, ФПКнинг 19-моддасига мувофиқ, хусусий ажрим чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади.

Процессуал бўлмаган чора сифатида судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштириш ўтказиш, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориш (аҳоли ўртасида маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва х.к.) кабиларни кўрсатишимиз мумкин.

Биз мазкур битирув малакавий ишида асосан фуқаролик низоларини мумкин қадар камайитиришга қаратилган судлар томонидан қўлланилиши лозим бўлган процессуал чора, яъни хусусий ажримлар ҳақида тўхталиб ўтишни ният қилганлигимиз сабабли процессуал бўлмаган чорлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишни лозим топмадик.

Шубҳасиз, судлар юзага келган низоларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлари орқали профилактик фаолиятнинг янада самарали бўлишини таъминлайдилар.

Фуқаролик низоларининг олдини олишдаги энг самарали усул бу- суднинг хусусий ажримидир. Юқорида таъкидланганидек, ФПКнинг 4-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритишнинг муҳим вазифаларидан бири қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамланишига кўмаклашишдан иборатдир. Шу мақсадда, суд фуқаролик ишини кўриш жараёнида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юбориши, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга ҳабар қилишлари шартлиги фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини топган (ФПКнинг 19-моддаси). Хусусий ажримлар, шунингдек ишда иштирок этаётган прокурор ва адвокатларга нисбатан, агар улар раислик қилувчининг фармойишларига такроран итоат қилмасалар ҳам чиқарилиши мумкин (ФПКнинг 166-моддаси).

Хусусий ажрим билан боғлиқ нормаларнинг миллий қонунчилигимиздаги ҳолати ҳақида гапирар эканмиз, бу билан боғлиқ нормалар ЎЗР ФПКдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЎЗР ЖПК) ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (ЎЗР ХПК) нормаларида ҳам тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Масалан, ЎЗР ЖПКда хусусий ажрим билан боғлиқ қатор нормалар белгилаб қўйилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 271-моддасига куёра, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари - суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин. Шунингдек, ушбу Кодекснинг «Суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланувчи 272-моддасига мувофиқ, залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячи-нинг номуносиб хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборади. ЎЗР ЖПКнинг «Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суднинг хусусий ажрими» деб номланувчи 298-моддасига кўра, жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-

шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши, Кодекснинг 299-моддасида эса, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шартлиги, тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.¹

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (ЎЗР МЖТК)нинг 181-моддасида суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра, мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.²

ЎЗР ХПКнинг «Хусусий ажрим» деб номланувчи 152-моддасига кўра, низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир. Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.

шарт. Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин. Агар суд хўжалик низосини кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.¹ Таъкидлаш керакки, хўжалик судлари томонидан хусусий ажримнинг чиқарилиши ҳам хўжалик соҳасидаги қонун бузилишларни олдини олишда ҳамда жамиятда қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг назарда тутиб, 2007 йил 28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми “Хўжалик судининг хусусий ажрими тўғрисида”ги 172-сонли қарорни қабул қилди. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қуйидагича тушунтириш берилган: Хўжалик судларининг эътибори ЎзР ХПКнинг 3-моддасига мувофиқ хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари бўлиб нафақат иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, балки қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашишдан ҳам иборат эканлигига қаратилсин. Хусусий ажрим ушбу вазифани бажаришнинг процессуал воситаларидан бири ва қонунни бузаётган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.²

Шу ўринда хусусий ажримлар нафақат қонун бузилишини олдини олиш, балки фуқаронинг ижтимоий бурчини наминали бажарганлиги тўғрисида тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва меҳнат жамоасини хабардор қилиш мақсадида ҳам чиқарилиши мумкинлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Масалан, ЎзР ЖПКнинг «Фуқаро ижтимоий бурчини наминали бажарганлиги тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажрим» деб номланувчи 300-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор - тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. –Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабр кундаги “Хўжалик судининг хусусий ажрими тўғрисида”ги 172-сонли қарори. ИПС “Норма”.

муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

Хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам фуқаролик ишларини кўриш жараёнида судлар томонидан профилактик чора сифатида хусусий ажрим чиқаришга оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 226-моддаси биринчи қисмига кўра, суд қонунийликни бузиш ҳолатларини аниқласа, хусусий ажрим чиқариб, тегишли ташкилотларга ёки тегишли мансабдор шахсларга юбориши, ушбу шахслар эса ўзлари кўрган чоратадбирлар тўғрисида бир ой муддатда судни хабардор қилиши белгилаб қўйилган.¹ Худди шунингдек, Беларусь Республикаси ФПКнинг 325-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ишни кўриш жараёнида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини аниқласа ёхуд юридик шахслар фаолиятида жиддий камчилик ва қонун бузилишини аниқласа, хусусий ажрим чиқариб, уни тегишли юридик шахсга ёки унинг мансабдор шахсларига юборади ва улар ўзлари кўрган чоралари тўғрисида бир ойлик муддат ичида судни хабардор қилишлари шарт.² Худди шу мазмундаги нормалар Украина Республикаси ФПКнинг 211-моддаси³, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 253-моддасида⁴ ҳам кузатилади.

Юқорида баён этилган нормаларни умумлаштириб, шунини айтиш керакки, хусусий ажрим чиқариш учун асос бўлиб судда ишни кўриш жараёнида аниқланган қонун бузилишлари ҳисобланади. Шу ўринда қонун бузилиши деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган талабларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатни тушуниш керак. Бу эса ўз

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ. Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, N 46, ст. 4532.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 г. № 238-З принят Палатой представителей 10 декабря 1998 года Одобрено Советом Республики 18 декабря 1998 года // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

³ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года № 1618-IV // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

навбатида хусусий ажрим чиқаришга бўлган асосларни аниқлаб олиш имконини беради. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас ва бу манфаатдор шахсларнинг, ишда иштирок этувчи, айрим ҳолларда ишда иштирок этмаётган шахсларнинг ҳам манфаатларида дахл қилиши мумкин. Хорижий давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва Олий суди томонидан берилган тушунтиришларда баён этилишича, масалан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг далиллар бўйича ўз процессуал мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги суд томонидан хусусий ажрим чиқариш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилмайди.¹ Шунингдек, Беларусь Республикаси Олий ҳўжалик суди Пренумининг 2002 йил 21 ноябрдаги 15-сонли «Хусусий ажрим чиқариш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида тушунтириш берилишича, тарафларнинг вакили томонидан ХПКнинг 61, 62, 64 ва 65-моддаларида белгиланган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаслиги суд томонидан хусусий ажрим чиқариш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилмайди.²

Қолавесра, хусусий ажрим чиқариш учун айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлиги факти исботланиши лозим. Шунингдек, ҳар қандай иш бўйича ҳам хусусий ажрим чиқарилавермайди. Агар низо ҳуқуқ нормаларини тушунмаганлиги оқибатида юзага келган бўлса ёки тегишли шахслар томонидан қонун бузилишининг олди олинган бўлса, у ҳолда суднинг иш бўйича хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ эмас.

Юридик адабиётларда хусусий ажрим тушунчасига берилган таърифларни кўриб чиқадиган бўлсак, деярли билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бир хил эканлигини, улар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Масалан, россиялик олим С.Л.Дегтяревнинг фикрича, хусусий ажрим – судлар томонидан фуқаролик-процессуал қонун-

¹ Нормативное постановление Верховного суда Республики Казахстан от 25 июня 2010 года № 1 «О практике вынесения судами частных определений по гражданским делам».

² Постановление Пленума Высшего Хозяйственного суда Республики Беларусь “О практике вынесения частных определений” от 21 ноября 2002 г. № 15.

чиликда белгиланган воситалар ёрдамида мустақил равишда бартараф этиш мумкин бўлмаган фуқаролик ишини кўриш жараёнида аниқланган қонун ва ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига нисбатан суднинг таъсир кўрсатиш воситасидир.¹ Кўплаб олимлар хусусий ажримни суднинг мустақил ҳужжати бўлиб, агар у қонуний кучга киргудек бўлса, кимга нисбатан чиқарилган бўлса, унинг учун мажбурий бўлиб, ижро этилиши шарт, деган фикрни илгари сурган.² *Дарҳақиқат, ушбу ажримларни хусусий ажрим деб номлашда ҳам унинг барча учун бирдек ижро этилиши шарт бўлмаганлиги, ушбу ажрим кимларга нисбатан йўналтирилган бўлса, ушбу шахслар учун ижро этилиши шарт бўлиши эътиборга олинган.*

Ўзбекистон Республикаси ФПК 19-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, хусусий ажримлар тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборилади. Бироқ хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили суднинг хусусий ажрими нафақат органлар ва унинг мансабдор шахсларига, балки юридик шахсларга ҳам юборилишини кўрсатади (Беларусь Республикаси ФПКнинг 325-моддаси). Судлар хусусий ажримни ташкилотлар, мансабдор шахслар ва бошқарув функциясини бажарувчи бошқа шахсларга нисбатан чиқаради. Шу ўринда миллий қонунчилигимизда, мансабдор шахс деганда, ташкилий - бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилиши баён этилади (Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли саккизинчи бўлими).³

Хусусий ажримлар ҳар қандай тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича чиқарилиши мумкин. Судлар нафаат даъво тартиби юритиладиган ишларда, балки алоҳида тартибда юритиладиган ишларда, шунингдек давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-

¹ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2006. – С. 534-535.

² Михайлянц А.Г. Эффективность частных определений суда в предупреждении прес-туплений. -Ташкент, 1973, с. 5.; Чуйков Ю.Н. Частные определения в гражданском судопроизводстве. -М. “Юрлит”, 1974, с. 22.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Тошкент, “Адолат”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий нашри. 2012 йил.

ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш жараёнида ҳам хусусий ажрим чиқаришга ҳақли бўлади. Ундан ташқари, хусусий ажримлар фуқаролик процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишида ҳам чиқарилиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, иш юзасидан чиқарилаётган хусусий ажримлар сонининг ортиши ҳар доим ҳам мавжуд қонунчиликнинг бузилиши ҳолатларига барҳам беравермайди. Бунинг асосий сабабларидан бири хусусий ажрим чиқарилган органларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармасликларида ва қонунчиликда хусусий ажримнинг мазмуни етарли даражада баён қилинмаганидадир.

Суд хусусий ажримларининг фуқаролик низоли ишларини юзага келишининг олдини олишдаги аҳамияти муҳим бўлганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг бир қатор қарорларида, хусусан «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида»ги 1996 йил 19 майдаги, унга 1998 йил 11 сентябрда киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар, «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 1998 йил 17 апрелдаги Пленум қарорида ҳамда Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги ва бошқа қарорларида иш юзасидан хусусий ажрим чиқаришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланиб, судларга ушбу юзасидан тегишли тушунтиришлар бериб ўтилади. Хусусан, Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 36-бандида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда, судлар оиланинг бузилиши сабабларини аниқлашлари ва оила бузилишида айбдор бўлган эр-хотин ва бошқа шахсларнинг номуносиб ҳуқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим

чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозимлиги юзасидан тушунтиришлар бериши кўрсатиб ўтилган.¹ Дарҳақиқат, мазкур тоифадаги ишлар бўйича судлар оиланинг бузилиш сабабларини аниқлаб, эр ва хотиннинг номуносиб ҳатти ҳаракатлари ҳамда бу низоли ишга дахлдор бошқа шахслар устидан хусусий ажримлар чиқариши, тарбиявий аҳамиятга эга таъсир чоралар кўриши, оилавий келишмовчиликларни ечишга ёрдам бериш учун хусусий ажрим нусхаларини унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги хотин қизлар кўмитасиларига юбориши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11-сентябридаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорида судлар мазкур туркумдаги низоли ишларни кўриш жараёнида болалар қаровсизлиги, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва хомийлик идоралари томонидан ўз вақтида чора кўрилмагани, вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва инспекциялар, муассасаларнинг фаолиятидаги камчиликлар мавжудлигини аниқласа, хусусий ажримлар чиқариб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатган ҳолда тегишли ташкилотларга юбориши шартлиги таъкидланади.²

Фуқаролик низоли ишларни юзага келишини олдини олиш ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ – тартиботни мустаҳкамлашда хусусий ажримларнинг аҳамияти беқиёс бўлса-да, лекин айрим судлар хусусий ажрим чиқариш амалиётидан етарли даражада фойдаланмаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотларига қараганда, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан олиб борилган профилактик ишларнинг аҳволи қуйидагича, яъни фуқаролик ишлари бўйича республика судларида жами ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар сони 2010 йилда 262084 тани ташкил этиб, шулардан 250087 таси бўйича, яъни 95,4 % бўйича даъво

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 36-банди.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шарқ. 1999. Б.126 -127.

қаноатлантирилган. Бироқ чиқарилган хусусий ажримлар сони 2010 йилда 3194 тани, яъни 1,2 %ни ташкил этган. Фуқаролик ишлари бўйича республика судларида жами ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган ишлар сони 2011 йилда 272531 тани ташкил этган бўлиб, шулардан 258033 таси бўйича, яъни 94,4 % бўйича даъво қаноатлантирилгани ҳолда шулардан чиқарилган хусусий ажримлар сони 2754 та, яъни 1,01 % ни ташкил этган.¹

Фикримизча, судлар томонидан хусусий ажрим чиқариб, юзага келган қонунбузилишига ўз вақтида муносабат билдиришларини тўғри йўлга қўйиш, бу борда улар масъулиятини ошириш ҳамда ушубу жараёнда ишда иштирок этувчи шахслар иштирокини кенгайтириш мақсадида ЎЗР ФПКнинг 19-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилиши лозим бўлади:

“Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига биноан хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик мўддат ичида хабар қилишлари шарт.

1.2. Хусусий ажримлар шакли ва мазмуни

Судлар томонидан хусусий ажрим чиқариш жараёнида фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган бир қатор шартларга амал қилиш талаб этилади. Зеро, фуқаролик суд ишларини юритишда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг кафолати сифатида хусусий ажримларнинг шакли ва мазмунига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

¹ Умумий юрисдикция судларининг 2011 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Тошкент, 2011.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, ишни кўриш вақтида суд мажлисида чиқарилган ажримлар, қоида бўйича, судьянинг ёлғиз ўзи томонидан тарафларни чақирмай, суд томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Ишни мазмунига қараб, ажрим чиқариш тартиби тўғрисидаги масала, яъни суд қандай ҳолларда алоҳида хона (маслаҳатхона)га кириб айрим суд ҳужжати сифатида ва қандай ҳолларда суд мажлисининг ўзида ажрим чиқариши ва унинг мазмунини суд мажлиси баённомасига ёзиш масаласи ФПКнинг 14 – моддасида белгиланган тартибда чиқарилади ва ишга қўшиб қўйилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессал кодексининг 237-моддаси мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биринчи инстанция суди ажримлари икки турга ажратилиши мумкин:

1) суд томонидан алоҳида хона (маслаҳатхона) да чиқариладиган ажримлар;

2) суд томонидан ўз жойида (масалан, суд мажлисининг ўзида ёки жойга бориб кўздан кечириш вақтида) чиқариладиган ажримлар.

Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, суд томонидан кўриладиган масаланинг моҳияти, мазмуни ва туркумига қараб, асослантирилиши лозим бўлган ажримлар биринчи инстанция судининг суд мажлисида, суднинг айрим ҳужжати сифатида ёзилади.

Бошқа ажримларнинг ҳаммаси, масалан, суд мажлисини бошқа кунга кўчириш, далилларни текшириш тартиби, қўшимча далиллар талаб қилиб олиш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ажримлар суд томонидан ишнинг аҳволига қараб, ё юқорида кўрсатилган тартибда ёки алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмай мажлиснинг ўзидаёқ кенгашиб, айрим ҳужжат сифатида эмас, балки суд мажлисининг баённомасинга ёзиш йўли билан чиқарилади.²

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳукуки. Дарслик. Т.: Адолат. 2001 йил. -251 бет.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳукуки. Дарслик. Т.: Адолат. 2001 йил. 251-252 бетлар.

Демак, юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, айрим процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилган суд ажримлари суд томонидан алоҳада хона (маслаҳатхона) да чиқарилиб, ёзма шаклда тузилади, баённома кўринишидаги ажримлар эса алоҳада хона (маслаҳатхона) га чиқмасдан, суд томонидан ўз жойида чиқарилади. Бу эса адабиётларда таъкидланганидек, ажримнинг моҳияти ва унда ҳал қилинаётган масалаларнинг қийинлик даражасидан келиб чиқар экан¹. Лекин айтиш жоизки, процессуал қонун суд мажлиси залида ҳал қилишга рухсат этилган «мураккаб бўлмаган ишлар» тушунчасини ёритиб бермаган. «Суд ажримни алоҳада хона (маслаҳатхона)да чиқаради» деган умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда суд чиқарадиган ҳар қандай ажрим суд томонидан алоҳада хона (маслаҳатхона) да ёзма шаклда, айрим ҳужжат кўринишида чиқарилиши ҳам мумкин деган хулосага келсак бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги 7-сонли «Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция ажримлари тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримларга, шунингдек ФПК 19-моддасига мувофиқ чиқариладиган хусусий ажримлар кириши юзасидан тушунтириш берилган.²

Айтиш жоизки, хусусий ажримнинг чиқарилишида муайян шарт ва талабларга риоя этилиши суд процессуал шаклининг муҳим элементларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хусусий ажримларнинг муҳим ва мураккаб масалалар юзасидан чиқарилиши ҳамда унинг қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ва муҳимлиги, алоҳида фикр ва хулосаларнинг зарурлиги ва шунингдек фуқаролик процессидан ўрин олган ҳолатларининг ўзига хослигини ўтиборга олган ҳолда **хусусий ажримлар**

¹ Қаранг: К.С. Юдельсон, Основные задачи и формы деятельности суда первой инстанции в советском гражданском процессе. («Вопросы советского гражданского права и процесса», «Ученые записки Свердловского юридического института», т. III, Госюриздат, 1955, стр. 116); Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Т.: Адолат. 2001 йил. 251-252 бетлар.

²

судлар томонидан алоҳида хона (маслаҳатхона)да ёзма равишда, алоҳида процессуал ҳужжат сифатида чиқарилиши лозимлиги юзасидан хулосага килсак бўлади. Ушу фикрни айрим ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтадилар¹ ва хусусий ажрим суднинг ишонч акти ҳисобланиши юзасидан фикрлар билдирилади².

«Биринчи инстанция судининг ажримлари» деб номланган ЎЗР ФПК 20-бобининг 238-моддасида кўрсатилган қоидалардан келиб чиқиб, суд томонидан алоҳида хона (маслаҳатхона)да чиқариладиган ажрим каби суд хусусий ажримларда ҳам қуйидаги реквизитлар мавжуд бўлиши лозим:

- 1) ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи;
- 2) суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар;
- 4) низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинадиган масаланинг моҳияти;
- 5) суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар;
- 6) суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси;
- 7) ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида суд ажрими мазмуни бўйича кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат эканлиги таъкидланади.³ Ўхшашлиги бўйича суднинг хусусий ажримлари ҳам юқоридаги каби кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.⁴ Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги 7-сонли «Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция ажримлари тўғрисида»ги қарорида биринчи инстанция судининг ажримлари ҳал қилув қарорлари каби 4 қисмдан иборат бўлши юзасидан тушунтиришлар берилмаган. Аксинча, мазкур Пленум қарорининг 4, 5-бандларида ажримлар

¹ Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? // «Инсон ва қонун» газетаси, 2003 йил 29 апрел. № 17.

² Бохан Е.Ф. «Вопросы судебной психологии» II нашр. –Минск.1999, 49 бет.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи // Дарслик. -Т.: Адолат. 2001 й. –Б. 251-252.

⁴ Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? // «Инсон ва қонун» газетаси, 2003 йил 29 апрел. № 17.

одатда, кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши ҳақида тушунтириш берилади.¹

Хорижий давлатларнинг юридик адабиётларида ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига берилган шарҳларга кўра, биринчи инстанция судининг ажрими, худди шунингдек хусусий ажримлар ҳам 4 қисмдан: кириш, баён, асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Масалан, россиялик олим С.Л.Дегтяревнинг ёзишича, хусусий ажрим алоҳида процессал ҳужжат сифатида чиқарилиб, унинг мазмуни РФ ФПКнинг 20 бобидаги (224, 225, 226 ва 227-моддалар) умумий талабларга жавоб бериши лозим.² РФ ФПКнинг 225-моддасига берилган шарҳда ушбу олим биринчи инстанция судининг ажрими 4 қисмдан: кириш, баён, асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши ҳақидаги фикрни илгари сурган. Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ҳам биринчи инстанция судининг ажримлари ҳам 4 қисмдан: кириш, баён, асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши ҳақидаги фикрларни ўз асарларида таъкидлаганлар. Масалан, проф. Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида суд ажри-ми ҳам суд ҳал қилув қарорлари каби тўрт қисмдан иборат бўлиши ҳақида фикрни илгари суради.³ Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов ҳам алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқариладиган ажримлар суд ҳал қилув қарорлари каби тўрт қисмдан: кириш; баён; асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлишини, суд ажримларининг кириш қисмида ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи, суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, ишда иштирок этувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилишини, баён қисмида низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти, ишда иштирок этаётган шахсларнинг фикрлари кўрсатилишини, асослантириш қисмида суднинг хулосасига олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция ажримлари тўғрисида”ги 7-сонли қарори. ИПС “Норма”.

² Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2006. – 535 с.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. –Тошкент, “Адолат” нарийети. 2001 й. -252 б.

келган асослар ва суд қўллаган қонунлар келтирилишини, хулоса қисмида эса, суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати кўрсатилишини таъкидлайди.¹

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238-моддасида алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқариладиган ажримнинг мазмуни баён этилган бўлиб, унга кўра, бу ҳилдаги суд ажримида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи;
- 2) суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар;
- 4) низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти;
- 5) суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар;
- 6) суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси;
- 7) ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

Хусусий ажримнинг кириш қисми ушбу суд ҳужжатиининг номи билан бошланади. Кейинроқ унинг чиқарилиш жойи ва вақти, суднинг номи, судьянинг фамилияси, суднинг таркиби, суд котибининг фамилияси, ишда иштирок этаётган прокурор, жамоат бирлашмаси, тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг исми шарифи ва шунингдек, низо предмети ёки даъвогар талабининг моҳияти кўрсатилади. Булардан кўриниб турибдики, ушбу ажримнинг кириш қисми бошқа суд ажримларининг кириш қисмларидан деярли фарқ қилмайди. Айтиш мумкинки, суд амалиётида шундай қоида мавжудки, «хусусий ажрим» сўзларидан олдин суддаги фуқаролик ишининг йили ва тартиб рақами қўйилади, юқори судлар томонидан чиқарилаётган хусусий қарорларда эса, бу иш бўйича раислик қилган биринчи инстанция судининг судьяси ва юқори суднинг иш юзасидан

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳукуки. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012 йил. -489 б.

маърузачисининг фамилияси қўйилади. Бундай техник шаклдан фойдаланиш ажримларни рўйхатдан ўтказишни ва хусусий ажримларнинг ижросини назорат қилишни анча осонлаштиради.

Хусусий ажримларнинг кириш қисмларида, шунингдек, бизнингча, иш қандай суд мажлисида (очик ёки ёпик) қўрилганлиги, сайёр судлар томонидан ўтказилганида эса унинг ўтказилган жойи (клуб, маданият уйи ва бошқ.) кўрсатилиши, унда иштирок этувчиларнинг сони ва уларнинг қайси ижтимоий гуруҳга (ишчи, хизматчи, зиёли, талаба ва бошқ.) мансублиги кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бундай маълумотлар суд мажлисида мавжуд бўлган муҳитни тўла ва тўғри тасаввур қилишга кўмаклашади.

Одатда, хусусий ажримнинг баён қисми шундай сўзлар билан бошланади: «аниқланди» ёки «топилди». Суд ушбу қисмда ишнинг моҳияти ва натижаларини қисқа, лекин етарлича аниқ баён қилиши талаб этилади. Бундай талабларнинг бажарилиши муҳим аҳамият касб этади. Модомики, бу ерда бир суд процессидан келиб чиқадиган бир хил фактик маълумотларга асосланадиган бир-бири билан боғлиқ бўлган суд қарори ва хусусий ажримнинг узвийлигига риоя қилинади. Бундай ёндашув суднинг ишни кўриш ҳамда қонунбузарлик ва низоларнинг юзага келишининг олдини олиш бўйича фаолияти бир-бири билан боғлиқ ва ажралмас бўлгани учун процесснинг бир бутун жараёндай тасаввур қилишга имкон беради. Бундан ташқари, хусусий ажрим, қоидага кўра, бошқа бир суднинг ижро ҳужжатисиз, бевосита ижрога берилади. Бунда баён қилинган қонунийлик, ижтимоий турмуш тарзи қоидаларининг бузилиши, ишдаги муҳим камчиликлар билан боғлиқ масалалар қуйидаги саволни туғилишига олиб келади, яъни қандай муносабат билан иш судда кўрилди ва суд ишни қандай ҳал этди?

Кўпчилик ҳолларда хусусий ажрим суд муҳокамасининг (даъво ишини кўришда) предмети бўлган моддий-ҳуқуқий талабга ёки вужудга келган низога тўғри муносабатда бўлади. Шунингдек учун ҳам хусусий ажримнинг баён қилиш қисмида низонинг келиб чиқиш асослари, қонунбузарлик

сабаблари, низонинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитлар кўрсатилган бўлиши керак. Бу ҳатто битта хусусий ажримга асосланиб, ишни кўриб чиқиш натижалари, моддий ва процесуал ҳуқуқ нормаларининг суд томонидан тўғри қўлланилганини, қонунийликка риоя қилинганлигини, ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқларининг кафолати тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Бундай тезис услубини хусусий ажримда асосланган фактлар моддий-ҳуқуқий низога алоқаси бўлмаган, шунингдек судда низонинг вужудга келишига ва уни кўриб чиқиш натижаларига ёки низонинг ҳал қилиниши-гача чиқарилган хусусий ажримга таъсир қилмайдиган ҳолларда четлаб ўтиш мумкин.

Хусусий ажримнинг баён қилиш қисмида суд ажрими кимнинг ташаббуси билан чиқарилганлиги ҳам кўрсатилиши мумкин. Бу айниқса, агар бу суднинг ташаббуси билан эмас, балки процесс иштирокчиларидан бирининг ташаббуси билан чиқарилган бўлса, албатта ушбу ҳолат суднинг хусусий ажримида ўз ифодасини топиши лозим.

Баён қилиш қисмида, шунингдек, асосий эътибор суд томонидан очилган ноаниқ ҳодисаларнинг баёнига, қонунбузарликнинг ёки низонинг чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларнинг баёнига қаратилиши керак. Агар гап қонунийликнинг бузилиши, ижтимоий ҳаёт тарзининг бузилиши, ишдаги жиддий камчиликлар ҳақида кетадиган бўлса, улар нима сабабдан содир бўлгани ва қандай нохуш оқибатларга олиб келгани, бунга ким жавобгар ва масъулиятли бўлгани батафсил ва аниқ баён этилиши зарур. Худди шу ерда суд ёки процесс иштирокчиларининг бу масала билан боғлиқ исбот ва далаллари баён қилиниши керак. Адабиётларда ҳам хусусий ажримнинг баён қисмида асосий эътибор низонинг, қонунбузарликнинг юзага келишига ёки ножўя хатти ҳаракатнинг содир этилишига асос бўлувчи сабаб ва шартлар қайд этили юзасидан фикрлар билдирилади.¹

¹ Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима ? “Инсон ва қонун» газетаси, 2003 йил 29 апрел. № 17, 3 бет.

Хусусий ажримнинг асослантирувчи қисм баён қилиш қисмининг мантикий давоми бўлиб ҳисобланади. Асослантируви қисмнинг хусусий ажрим таркибида мавжудлиги муҳим принципиал аҳамият касб этади. Ажримнинг адолатлилиги, қонунийлиги ва асосланганлиги, унинг нафақат мазкур суд ҳужжатида, балки бутун одил судлов фаолиятига ўзининг тарбиявий таъсирини кўрсатади ва одил судловни амалга ошириш кўп жihatдан суд қарорларида асослантирувчи қисмнинг мавжудлигига боғлиқдир. Шу муносабат билан юридик адабиётларда айрим ҳуқуқшунос олимларнинг, хусусан, Перлов И.Д.нинг суд қарорларининг баён қилиш ва асословчи қисмларини баён-асослантирувчи қисм қилиб бирлаштириш ҳақидаги фикрга қўшилиб бўлмайди.

Хусусий ажримларнинг асослантиришнинг мажбурийлиги ФПК нинг 18 ва 238-моддасидан келиб чиқади. Унда кўрсатилишича, суд ўз ажримларини, шу жумладан хусусий ажримларни фақат суд мажлисида текширилган материаллар билан асослайди. Шунингдек, суд чиқараётган хусусий ажрим юзасидан ўз хулосасини асослаши керак бўлади. Ҳуқуқшунос олим Г.В.Воронковнинг фикрича, асослантирувчи қисмсиз ажримлар мавжуд бўлиши мумкин эмас ва бунга фуқаролик процессуал қонунчилик ҳам йўл қўймайди. Шу ўринда айтиш жоизки, асослантирувчи қисмнинг мавжуд эмаслиги ҳар қандай суд ҳужжатида мавжуд бўлган ишончлилик, асосланганлик каби хусусиятларнинг мавжуд бўлмаслигига олиб келади.

Хусусий ажримнинг баён қилиш қисмида «кўрилаётган масаланинг тарихи», камчилик ва ҳуқуқбузарликлар, сабаб ва шарт шароитларнинг баёни келтирилса, асослантирувчи қисмда эса, салбий ҳолатларнинг мавжудлигини, уларнинг олдини олиш ва келгусида бунга йўл қўймасликни асослайдиган далиллар баён қилинади, шунингдек нохуш ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаб берадиган суд хулосасининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллар анализи ва унга йўл қўйган айбдор шахслар кўрсатилади. Суд томонидан салбий ҳолатларнинг аниқланишида, унинг сабаб ва шароити ҳар томонлама, унинг ишончлилиги тўғрисида

маълумотга эга бўлган процесс иштирокчилар билан ҳамкорликда олиб борилиши керак. Суд хусусий ажримда мурожаат қиладиган ҳамма ҳолатлар суд мажлиси баённомасида ўз аксини топиши лозим, акс ҳолда хусусий ажрим асосланмаган деб топилади.

Шундай қилиб, хусусий ажримнинг асослантирувчи қисмида салбий ҳолатларнинг мавжудлиги қандай манбалардан олинганлиги, уларнинг хусусияти ва тегишли салбий ҳолатларнинг мавжудлилигини, уларнинг олдини олиш ва келгусида бунга йўл қўймасликни асослайдиган далиллар баён қилинади, шунингдек ноҳуш ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаб берадиган суд ҳулосасининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллар анализи ва унга йўл қўйган айбдор шахслар кўрсатилади.

Асослантирувчи қисмнинг охирида тегишли суд инстанцияларининг хусусий ажрим (қарор) лар чиқаришини, шунингдек Олий суд Пленумининг хусусий ажрим чиқариш юзасидан берган тушунтиришлари ва суд қарорларини чиқаришни тартибга соладиган процессуал қонун нормасига ҳаволалар берилиши керак. Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари юзасидан (масалан, никоҳдан ажратиш, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишлар, меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан) профилактик ишларни олиб бораётганида судлар томонидан Ушбу масалалар бўйича Олий суд Пленуми қарорларига ҳавола қилиниши тўлиқ қонуний ҳисобланади.

Хусусий ажримни асослаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Асослаш суд ишончи юзага келишининг тўғрилигини текшириб кўришга, суд фаолияти йўналишини кузатиб боришга, шунингдек нафақат суднинг қандай фактларни белгилаганини, балки қандай воситалар орқали белгилаганини билишга имкон беради. Шунинг учун ҳам асосланмаган хусусий ажримларни чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди. Асослантирилган хусусий ажрим деганда суд томонидан пухта текширилиб чиқилган фактлар, қонунда назарда тутилган далиллар ёрдамида исботланган ҳолатларни бўйича чиқарилган ажримлар кўз олдимизга келиши лозим. Шундай бўлса ҳам, суд амалиётида

айрим ҳолларда судлар томонидан асослантирилмаган, ҳеч қандай исботлаш воситаларисиз, ҳатто тахминларга асосланган хусусий ажримлар чиқарилишини учратишимиз ҳам мумкин. Мисол учун, фуқаро Ж. томонидан ундирилаётган алимент миқдорини камайтириш бўйича қўзғатилган даъво иши юзасидан чиқарилган хусусий ажримда, суд ўз хулосасини қуйидагича асослайди: «фуқаро Ж. ўзининг иккинчи хотини билан эр-хотинлик муносабатларини тўхтатгани йўқ ва биринчи никоҳидан бўлган болалари сонига қараб алимент миқдорини камайтириш тўғрисида даъво қўзғатди». Даъво қўзғатишнинг ҳақиқий сабаблари тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларга таянмасдан, суд ўз хусусий ажримини Ж. ишлайдиган бўлинма касоба кўмитаси томонидан олинган - «Цех бошлиғи Ж.нинг оиласи бузилиши ростан ҳам рўй бергани» ҳақидаги маълумот билан асослаган.¹ Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 56-моддаси иккинчи қисмига кўра, муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмаслиги кўрсатилган.

Асосланган хусусий ажрим уни чиқарган суд учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бу суд хулосаларининг асосланганлигини текшириб кўриш имконини бериш билан бир қаторда, қарама-қарши ҳолатлар аниқланганида суд томонидан унга барҳам бериш чоралари кўрилади. Асосларни келтириш суд мажлисида нафақат кўрилаётган низо бўйича фактларни пухта ўрганиб чиқишни талаб қилди, балки турли хилдаги қонунбузарлик ва ҳуқуқ тартиботни бузилганлиги билан боғлиқ шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳақиқий мазмунини аниқлаштиришга катта эътибор қаратади. Бу ҳаракатлар фақатгина судга тақдим этилган далилларни текширишдан иборат бўлиб қолмасдан, уларни йиғишга бўлган ташаббусини ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, асосланган хусусий ажрим ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўраётган юқори турувчи судга ажримнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигига ишонч уйғотади. Шунингдек, хусусий ажримлар юзасидан етарли асосларнинг

¹ Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2013 йил август ойи архив материалларидан.

мавжуд эмаслиги юқори турувчи судларнинг қуйи судлар фаолиятини назорат қилишни қийинлаштиради, улар фаолиятининг тўғрилиги ва мақбуллигига шубҳа туғдиради.¹

Асослантирилганлик хусусий ажрим чиқарилган шахсларга ёки уни ижро этишга топширилган шахсларга нисбатан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки суд хулосаларнинг асоссизлиги суднинг бундай актига нисбатан норозилик туғилиши, уларнинг мақбул эмаслиги юзасидан шикоят бериш ёки прокурордан протест келтиришни илтимос қилиш билан яқунланиши мумкин.

Хусусий ажрим юзасидан исботлашнинг суд томонидан процессуал конунда кўрсатилган далилларга, қолаверса, мантиққа асосланиб чиқарилганлиги суд фаолиятининг тўғри ва ишончлилиги кўмаклашади, суднинг тавсия ва хулосаларининг одиллигига ишонч туғдиради, кенг доирада суд органларининг обрўсини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг конунбузарликлардан огоҳ қилишга, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек, хусусий ажримнинг хулоса қисмида хусусий ажримнинг чиқарилишига хизмат қилувчи асосларга судлар томонидан ҳуқуқий ва ижтимоий сиёсий баҳо берилиши мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, хусусий ажримнинг асослантирувчи қисмида йўл қўйилган конун бузилишларини олдини олиш бўйича суднинг тавсиялари ўз ифодасини топиши керак. Ушбу тавсиялар моҳият-эътибори билан аниқ ва йўл қўйилган камчиликларга буткул барҳам беришга хизмат қилиши лозим. Шу билан бирга ушбу тавсиялар корхона ташкилотларнинг тезкор ҳўжалик юритиш фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги ҳам талаб этилади.

Хусусий ажримнинг яна бир муҳим таркибий қисмларидан бири унинг хулоса қисмидир. Хусусий ажримнинг хулоса қисмида суднинг иш юзасидан сўнгги хулосаси, хусусий ажрим чиқарилган шахсларнинг суд қабул қилган

¹ Чуйков Ю.Н. Частное определение в гражданском судопроизводстве. -М.: Юрлит. 1974. – С. 63-64.

чораларга жавоб бериш муддати, шунингдек хусусий ажрим юзасидан шикоят қилиш (протест келтириш) тартиби ва мудати кўрсатилади.

Судлар томонидан хусусий ажрим чиқариш амалиёти шуни кўрсатадики, камчиликларни тўлиқ ва тўғри кўрсатиш, чиқарилаётган хусусий ажримларни ишончли ва ҳар томонлама асослаш – суддан талаб қилинадиган талабларнинг барчаси эмас. Шу ўринда ижро учун хусусий ажрим нусхаси юбориладиган манзилнинг тўғри кўрсатилиши ҳам муайян аҳамият касб этади.

Хусусий ажрим нусхаси юбориладиган манзилни аниқлашда суд қуйидагиларни назарда тутиши муҳим аҳамиятга эга:

а) йўл қўйилган камчилик ва қонунбузарликлар хусусий ажрим нусхаси юбориладиган манзилга тегишли бўлиши;

б) йўл қўйилган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этишга ким масъул эканлиги ва уларни бартараф қилиш ваколатига эга эканлиги;

в) қонунда кўрсатилган бир ойлик муддатда судга кўрилган чоралар бўйича ҳисобот бериши керак бўлган шахсларга ижро учун жўнатиши лозим.

Юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилингандагина суднинг тавсияси ҳаётга тўғри татбиқ этилиши мумкин. Ўринсиз, чуқур мулоҳаза юритмасдан, ўйламасдан ёки нотўғри адресатнинг танланиши ўз ўзидан хусусий ажримларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини камайтиради, баъзида ортиқча қоғозбозликни ва расмийчиликни келтириб чиқаради.

Агар йўл қўйилган камчиликлар ва қонун бузилишлари бир хиллигидан қатъий назар, улар бир неча муассаса, ташкилот ва корхоналарга тегишли бўлса, суд уларга чиқарилган хусусий ажримнинг бита нусхасини жўнатмаслиги, балки ҳар бир корхона ва ташкилотга алоҳида-алоҳида хусусий ажрим чиқариб, уларни тегишли муддатларда ижро этиш учун жўнатиш керак. Ва аксинча бўлганда, яъни бир фуқаролик иши бўйича бир неча ташкилотларга тегишли турли хил камчиликлар ва қонунбузилиш-ларини бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқарилаётганида, ҳар бир алоҳида камчиликлар ва

қонунбузарликлар учун алоҳида-алоҳида хусусий ажрим чиқарилиб, тегишли адресатга жўнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Хусусий ажрим юборилиши лозим бўлган манзилни тўғри белгилашда суд томонидан иш юзасидан аниқланган салбий ҳолатларнинг хусусияти ҳам муҳим рол ўйнайди.

Агар камчиликлар доимий тусга эга эканлиги, «одатий ҳодиса»дек кўриниши аниқланса, суд идоралари хусусий ажримни камчиликни бартараф қилиши мумкин бўлган бўйсунув бўйича юқори органга ёки мансабдор шахсга юбориш керак. Акс ҳолда суд томонидан чиқарилган хусусий ажрим кутилган натижани бермайди. Мисол учун, “Шарқ юлдузи” фабрикасининг “Чаман» номидаги филиали ошхонасига нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича Тошкент шаъар фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди томонидан шу нарса аниқландики, “Чаман” номидаги филиал ошхонаси омборида маҳсулотларни чиқариш бўйича назорат ўрнатилмаган, маҳсулотларни сақлаш муддати ва шароити белгиланган талабларга жавоб бермайди. Бироқ туманлараро суд аниқланган қонунбузарликлар ва камчиликлар тўғрисида юқори турувчи органга нисбатан хусусий ажрим нусхасини юбориш ўрнига, хусусий ажрим филиалнинг ошхона бошлиқларига нисбатан чиқарилган. Натижада эса хусусий ажрим чиқарилиб, бир неча бор огоҳлантирилишига қарамасдан, ошхона бошлиқлари томонидан қонунбузарликни бартараф этиш бўйича ҳеч қандай чора тадбирлар кўрилмаган.¹

Суд амалиёти шундан далолат берадики, иш юзасидан чиқарилган хусусий ажрим нусхасини бир ташкилотнинг ўзидаги бир неча филиал, бўлинма ёки бир неча мансабдор шахсларга жўнатиш бутунлай ўринсиз ва самарасиз ҳисобланади. Чунки ушбу ҳолат хусусий ажрим нусхаси юборилган манзилдаги мансабдор шахслар томонидан масъулиятсизликка, сансалорликка олиб келиши ва хусусий ажримнинг тўлиқ ижро этилишига тўсқинлик қилиши мумкин экан. Мисол учун, даъвогар С. нинг жавобгар

¹ Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2012 йил май ойидаги архив материалларидан.

“Тараққиёт” номли заводга нисбатан шикаст етганлик ва етказилган шикаст учун сумма ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича суд шундай хулоса келдики, даъвогар С.нинг соғлиғига иш берувчининг айби билан шикаст етказилган, чунки С. ишлаган даврда цехда мунтазам равишда техника хавфсизлиги қоидалари бузилган. Корхонада ходимларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун етарли даражада шароит яратиб бериш ва техника хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Юнусобод туманлараро суди хусусий ажрим чиқариб, унинг бир нусхасини корхона маъмуриятига ва бир нусхасини жамоат ташкилотига жўнатди. Шундан сўнг корхонада хусусий ажрим юзасидан кўрилган чора тадбирлар тўғрисидаги маълумотномани судга ким томонидан жўнатилиши кераклиги масаласида сансалорликка йўл қўйилганлиги ва хусусий ажрим нусхаси юборилган икки орган орасида маълумотномани жўнатиш юзасидан аниқлик бўлмагани учун хусусий ажрим юзасидан тегишли маълумотнома қонунда белгиланган муддатда судга жўнатилмай қолиб кетган.¹

Хусусий ажримнинг хулоса қисмида шунингдек, суд томонидан чиқарилаётган хусусий ажримдан кўзда тутилаётган мақсад кўрсатилади. У одатда қуйидагича баён қилинади: «Мазкур хусусий ажримнинг нусхаси кўрсатилган камчиликлар ва қонунбузилишларни бартараф этиш учун.... жўнатилсин», «хусусий ажримда баён қилинган фактлар ажрим нусхаси олинган кундан эътиборан бир ой ичида суд хабардор қилинсин...», “Суд томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун», «фактлар ҳақида.... тегишли чоралар кўрилиши ва келгусида бундай ҳодисаларга йўл қўймаслик учун хабардор қилинсин» ва х.к. Ушбу тезислар хусусий ажрим нусхаси юборилган шахсларнинг қандай ҳаракатларни (суд аниқлаган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва келажақда ўз фаолиятидаги ёки унга бўйсунган орган ёки шахсларнинг фаолиятидаги камчиликларнинг олдини олиш) амалга ошириши аниқ бўлиши учун шундай шаклда

¹ Фуқаролик ишлари бўйича Юнусобод туманлараро судининг 2013 йил январ ойи архив материалларидан.

чиқарилади. Лекин шунга қарамай, суд амалиётида хусусий ажримнинг хулоса қисмида адресатга ҳеч ҳандай мажбурият юкламайдиган ёки умуман хусусий ажрим юзасидан қандай чора тадбирлар кўрилиши ноаниқ бўлган хусусий ажримларни ҳам учратишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига кўра, суд хусусий ажрим нусхаси юборилган шахсларга бир ойлик муддат ичида конунбузарликларни олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилиш ҳақида мажбурият юклайди.

Маълумки, фуқаролик процессуал ҳуқуқида процессуал муддатлар икки турга ажратилади:

- 1) конун билан белгиланган процессуал муддатлар;
- 2) суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, конунда белгиланган муддатлар суд томонидан узайтирилиши мумкин эмас.

Худди шунингдек, конун билан хусусий ажримнинг бажарилиши юзасидан белгиланган бир ойлик муддатнинг суд томонидан ўзгартирилишига, яъни қисқартирилиши ёки узайтирилишига йўл қўйилмайди. Шундай бўлса ҳам, амалиётда суд томонидан ушбу муддатларни ўзгартириш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу ўз навбатида процессуал конуннинг бузилишига олиб келиш билан бир қаторда конунбузарликни бартараф этиш бир неча кунлик муддатга асоссиз кечиктирилишига ва бунинг натижасида айрим шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг бузилиши ёки жамиятга бирон бир зарар етишига, охир оқибат ижронинг тўлиқ таъминланмаслигига ҳам олиб келади. Ҳар қандай ҳолда ҳам хусусий ажримнинг хулоса қисмида унинг нусхаси юборилган шахслар томонидан ижрони таъминлашлари лозимлиги ва кўрилган чоралар тўғрисида судни хабардор қилиши керак бўлган бир ойлик муддат кўрсатилиши лозим.

Хусусий ажрим юзасидан конунбузилишларини бартараф этишга қаратилган тегишли чоралар кўриш учун белгиланган бир ойлик муддатнинг ўтиши бошланиши хусусий ажрим нусхаси адресатга топширилган кун

ҳисобланади ва бу ҳақда хусусий ажримнинг хулоса қисмида баён қилиниши лозим.

Айтиш жоизки, амалдаги фуқаролик процессул қонунчиликда суд хусусий ажримнинг нусхасини ишда иштирок этмаган, лекин хусусий ажрим юзасидан тегишли маълумотнимани юбориш вазифаси юклатилган шахсларга, шунингдек адресатга ижро учун қанча вақт ичида жўнатиши кераклиги тўғрисида ҳуқуқий норма кўрсатилмаган. Судлар хусусий ажрим нусхасини қанча муддатдан кечиктирмай адресатга юбориши юзасидан фуқаролик процессуал қонунчиликда тегишли ҳуқуқий норма мавжуд бўлмаганлиги боис, унинг нусхасини юборишни номаълум муддатга кечиктириш ҳоллари ҳам кузатилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ФПКнинг 19-моддаси биринчи қисмининг хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хусусий ажрим нусхасини адресатларга узрсиз сабабларга кўра жўнатишни кечиктиришга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу суднинг фуқаролик ишлари бўйича профилактика ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

1.3. Хусусий ажрим чиқаришнинг фактик ва ҳуқуқий шарт-шароитлари

Суднинг хусусий ажрим чиқариш билан боғлиқ фаолияти ўз хулосаларини асослайдиган далиллар йиғиш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ машаққатли фаолияти ҳисобланади. Хусусий ажрим чиқаришнинг яна бир

мураккаб томони шундаки, ушбу масала суд томонидан фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилиш билан биргаликда олиб борилади.

Суд томонидан қабул қилинаётган бошқа қарорлар каби суднинг хусусий ажримига ҳам қонуний, асосланган ва адолатли бўлиши каби талаблар кўйилади (ФПКнинг 18-моддаси). Хусусий ажрим процессуал ҳуқуқ институти ҳисобланишидан қатъий назар, унинг қонунийлиги нафақат процессуал қонунларга мос бўлиши билан белгиланади, балки моддий ҳуқуқ нормаларига ҳам мувофиқ бўлиши талаб этилади. Масалан, суд узрли сабабларсиз ишга келмагани учун (прогул қилгани учун) ишдан бўшатишга ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаролик ишини кўриш жараёнида суд ходимнинг ҳақиқатда ишга чиқмаганлиги узрли эканлигини ёки ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ эмаслигини аниқлаган тақдирда суд ходимни аввалги ишига тиклаш тиклаш асосларини моддий ҳуқуқдан, яъни меҳнат ҳуқуқидан излайди. Демак, суд ходим билан меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилган мансабдор шахсга нисбатан хусусий ажрим чиқарар экан айнан меҳнат қонунчилигининг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатади ва ўз ажримини моддий ҳуқуқ нормалари билан асослайди. Шу ўринда айтиш жоизки, суднинг хусусий ажримида моддий ҳуқуқ нормалари бузиб ёки нотўғри қўлланилган бўлса ҳам хусусий ажримни қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди. Шу ўринда ФПКнинг 313-моддасига кўра, моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда қуйидаги ҳолатлар тушунилади:

- 1) суд татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса;
- 2) суд татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса;
- 3) суд қонунни нотўғри талқин қилган бўлса.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Т.: «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий нашри, 2013. –Б. 115-116.

Хусусий ажримнинг асосланганлиги унинг қонунийлигини билидиради ва шунинг учун ҳам қонунийлик ва асосланганлик бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир.

Умуман олганда, суд нима учун фуқаролик иши бўйича муайян салбий ходисаларнинг мавжуд деган хулосага келади ва нима учун суд аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида унинг олдини олиш бўйича бошқача эмас, балки бу каби тавсиялар берди.

Айтиш жоизки, ҳеч қандай фактик ҳолатларга ва далилларга асосланмаган хусусий ажримлар нафақат ишончсиз, қуруқ гапдай кўринади, балки судлар олдида турган тарбиявий ва олдини олиш (профилактика) вазифаларини самарали ва таъсирчан амалга оширишга ҳам имкон бермайди. Хусусий ажримда етарли асосларнинг мавжуд эмаслиги шунингдек, уни чиқарган суднинг обрўсига ҳам салбий таъсир кўрсатади, унинг юқори турувчи судлар ноқонуний деб топилишига ва апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилинишига олиб келади.

Гарчи бу икки тушунча, қонунийлик ва асослантирилганлик тушунчалари айнан бир хил тушунча бўлмаса-да, хусусий ажримнинг *мотивлантирилганлиги* унинг *асослантирилганлигининг* ажралмас элементи ҳисобланади.

Хусусий ажрим суд томонидан қатъий қонуний талабларга риоя қилинган ҳолда суд мажлисида унинг чиқарилиш ҳолатларини тўлиқ ўрганиш асосида олинган муайян иш материалларидан келиб чиққан фактларга асосланиши керак. Бошқача қилиб айтганда, хусусий ажрим суд томонидан кўрилаётган иш материалларининг ҳаммасига, мисол учун суд қароригагина асосланиши керак эмас. Хусусий ажримни чиқариш жараёнида суд асосан қонунбузарликнинг ёки низонинг келиб чиқишига сабаб бўладиган материалларга асосланиши керак. Лекин суд қонунбузарликнинг ёки низонинг келиб чиқишига сабаб бўладиган материалларгагина асосланиб хусусий ажрим чиқариши ҳам нотўғри бўлар эди ва ушбу шартнинг ўзига хусусий ажримнинг асослантириш учун етарли эмас. Хусусий ажримда

кўрсатилган ҳолатлар суд томонидан муайян фуқаролик иши суд мажлисида кўрилаётганда аниқланган бўлиши, ушбу иш материалларидан келиб чиққан ва уларга мос келадиган бўлиши, шунингдек суд томонидан процессуал қонун талабларига риоя қилинган ҳолда текширилган ва баҳоланган бўлиши керак. Шундай қилиб, суд томонидан салбий ҳолатлар, айрим мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлиги факти ёки низонинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитларнинг тўғри аниқланиши, иш бўйича йиғилган материалларнинг, суд хулосалари ва тавсияларининг бир-бири билан мувофиқлиги хусусий ажримнинг асослантирилганлигидан далолат беради. Шу ўринда қуйидаги суднинг хусусий ажримини мисол қилиб келтирамиз.

Хусусий ажримнинг асослантирилганлиги, ўз навбатида, салбий ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг хусусияти ҳақидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги, уларнинг иш ҳолатларига ва объектив ҳақиқатга мос келиши билан узвий боғлиқдир.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, хусусий ажрим чиқариш жараёнида судьянинг иш юритиши шу билан мураккаблашадики, у фактик маълумотларни, шунингдек ишга тегишли барча материалларни нафақат мавжуд низони ёки ҳуқуқбузарликни ҳал қилиш учун ўрганиб чиқиш билан бир қаторда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, келгусида уларни яна қайта такрорланмаслик чора тадбирларини кўриши керак бўлади.¹

Даъво тартибида иш юритиш жараёнида суднинг ушбу фаолияти қоидага кўра, даъво предмети ва асоси чегарасида амалга ошади.

Процессуал ҳуқуқ назариясида кўрсатилган фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин, фуқаролик иши бўйича исботлаш предметига асосий ва далилий фактлар билан бирга қонунийликнинг бузилганлиги, низо ёки ҳуқуқбузарлик шартлари ва сабабларидан гувоҳлантирувчи фактлар ҳам киради.

¹ Чуйков Ю.Н. Частное определение в гражданском судопроизводстве. -М.: Юрлит. 1974. 78 ст.

Ҳуқуқбузарлик содир этилишига кўмаклашувчи ёки фуқаролик-хуқуқий низолар келиб чиқишига олиб келувчи салбий ҳодисалар, сабаби ва шарт-шароитларини аниқлаш билан боғлиқ суд фаолияти фуқаролик процессининг барча босқичларида, фуқаролик ишини қўзғатиш босқичидан тортиб то биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори чиқаргунга, апелляция, кассация ва назорат тартибида ва янгидан очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқишгача олиб борилиши керак.

Фуқаролик ишини мазмунан кўриш давомида суд даъво предмети ва даъво асосига оид фактларни текшириш билан бир қаторда қонунбузарлик содир этилишига ва низонинг вужудга келишига ёрдамлашувчи сабаб ва шарт-шароитларга оид ҳамда бошқа салбий ҳодисаларга оид фактларни ҳам суд текширувидан ўтказди.

Тарафлар иш юзасидан тушунтиришлар бериш давомида юзага келган низонинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бериши мумкин. Шу қринда ишни мазмунан кўриб ҳал қилаётган судья ҳам ўзининг профессионал билими ва тажрибаси асосида юзага келган низонинг вужудга келиш сабабларини ҳам эҳтиёткорлик билан сўраб, аниқлаштириб олиши мақсадга мувофиқдир. Аммо суд бундай маълумотларга эҳтиёткорлик муносабатида бўлиши лозим, чунки бизга маълумки, тарафлар ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор шахслар ҳисобланади ҳамда ўз талаб ва эътирозларини суд томонидан инобатга олиниши ва қаноатлантирилиши учун нотўғри маълумотларни ҳам келтириши мумкин.

Айтиш мумкинки, суд амалиётида судлар томонидан бир тарафдан олинган фактларга асосланиб хусусий ажрим чиқариш ҳолатлари учраб туради. Айниқса фуқаролик иши тарафлардан бирининг иштирокисиз кўриб ҳал этилганида ёки иш сиртдан кўриб ҳал қилинган тақдирда қарши тараф ишда иштирок этмаган ва шу сабабли нотўғри ёки ўз шаънига доғ туширадиган маълумотларни инкор этиш каби имкониятлардан фойдалана олмайди.

Бундай камчиликлар судлар фаолиятида кўпроқ алимент ундириш, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволи ишларни кўриб чиқиш жараёнида, жавобгар у ёки бу сабабларга кўра ишни судда кўришда қатнашмаган ҳолатларда рўй беради.

Дарҳақиқат, хусусий ажримни суд томонидан шубҳали манбалар, миш-мишлар асосида олинган фактларга асослантиришига йўл қўйилмайди. Суд хусусий ажрим чиқариш жараёнида ушбу фактларга асосланиш ва улардан фойдаланишдан олдин, уларни эътиборлик билан ҳар томонлама ва объектив равишда текшириши ва ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар билан албатта таққосланиши керак.

Суд хусусий ажрим чиқариш жараёнида учинчи шахслардан ҳам муҳим маълумотлар олиши мумкин. Айниқса, боқувчини йўқотганлиги ёки соғлиққа шикаст етказишдан келиб чиқадиган зарарни қоплаш ҳақидаги, ишга тиклаш, уй-жойдан чиқариш, болалар тарбиясига оид низоли ишларни кўриб ҳал қилиш давомида учинчи шахсларнинг берган маълумотлари хусусий ажримни асослантирилган бўлишида катта аҳамият касб этади. Маълумки, ФПКнинг 259-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилади. Меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида жавобгар томонидан туриб иштирок этиши кўп ҳолларда ходимни ишдан нотўғри бўшатирилганлиги сабабларини ва иш юзасидан ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳал қилув қарори чиқаришга имконият яратади. Шунингдек, учинчи шахс сифатида суд процессига жалб қилинган мансабдор шахсга йўл қўйилган қонунбузарлик ва ҳуқуқ тартиботнинг бузилиши юзасидан турли хил саволлар бериш, низонинг юзага

келиш сабабларини аниқлаштириш ва уларни олдини олиш ёки келажакда уларни қайта такрорламаслик учун қандай чора тадбирлар қўриш лозимлиги юзасидан саволлар бериш ва шулар асосида хусусий ажрим чиқариш учун ҳам ушбу туркумдаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат ишлари бўйича учинчи шахс сифатида мансабдор шахсларни процессга жалб қилиш, ўз навбатида меҳнат низоли ишларни тез ва тўлиқ қўриб ҳал қилинишига, мансабдор шахсларнинг меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиш ҳолатларига қарши самарали кураш олиб боришнинг муҳим муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-моддасига кўра, суд ташаббуси билан ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича айбдор мансабдор шахсларни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиш шартлиги ҳақидаги қонуннинг киритилиши судлар томонидан мансабдор шахсларни учинчи шахс сифатида суд мажлисига жалб этилиши масаласига ижобий таъсир кўрсатса-да, лекин бу ҳолат мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунларини бузиш ҳолатларига тўла чек қўйиш учун етарли бўлмаётир.

Ишда иштирок этаётган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам қўпинча низо ёки қонунбузарликни келтириб чиқарган ҳақиқий сабаб ва шарт шароитларни аниқлашга имконият берувчи ва чиқарилаётган хусусий ажримларни асослантиришга ёрдам берадиган муҳим исботлаш воситаси бўла олади. Бу шуниси билан ҳам муҳимки, судда гувоҳ сифатида кўрсатув берувчи шахслар ёлғон гувоҳлик берганлиги ва кўрсатма беришдан атайин бўйин товлаш учун жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириладилар.

Фуқаролик процессида иштирок этувчи шахслар сифатида шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув органилари ҳам иштирок этадилар ва улар ҳам суд томонидан асослантирилган хусусий ажрим чиқарилишида ўз хулосалари ва тушунтиришлари билан фаол

иштирок этадилар. Ушбу органлар асосан, оила ҳуқуқий муносабатларига оид низолар бўйича, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоли ишлар бўйича, уйдан кўчириш, соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишларда фаол иштирок этиши талаб этилади ва хусусий ажримни асослантириш юзасидан муҳим маълумотлар берадилар. Суд амалиёти шундан далолат берадики, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ишда иштирок этаётган давлат бошқарув органлари судга бошқа процесс иштирокчилари бера олмайдиган маълумотларни бера оладилар. Уларнинг берган кўрсатмалари тарафлар, учунчи шахслар ва гувоҳлар берган маълумотларни тўлдиради ва аниқлаштиради. Бундай маълумотлар, қоидага кўра, ҳолислиги, объективлиги ва асослантирилганлиги билан бошқа хил маълумотлардан фарқ қилади. Ушбу оргалар берган хулосалар ва тушунтиришлар судга нафақат фуқаролик ишини тез ва тўғри кўриб, ҳал қилишга, одил судловни амалга оширишга кўмаклашади, балки шунинг билан бирга тарафлар ўртасида юзага келган ўзаро муносабатларни ҳал қилишга, юзага келган низоларнинг асл сабабларини аниқлашга, уларнинг олдини олиш чораларини тўғри белгилашга, суднинг хусусий ажримларининг тарбиявий таъсири ва самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бизга маълумки, фуқаролик процессида исботлаш воситалари сифатида қуйидагилар тан олинади ва тегишлича гуруҳларга ажратилади: тарафларнинг тушунтиришлари, учинчи шахсларнинг баёнотлари ва гувоҳларнинг кўрсатувлари; ёзма далиллар; ашёвий далиллар; эксперт хулосалари.

Суд томонидан чиқарилаётган хусусий ажримларнинг асослантирилганлигида ёзма ва ашёвий далилларнинг аҳамияти катта. Ёзма ва ашёвий далиллар асосида олинган маълумотлар суд учун хусусий ажрим асосини ташкил қилувчи фактларни текшириш ва тўғри баҳолашга ёрдам беради. Бу мақсадда хатлар, фотоҳужжатлар, кундаликлар, фуқароларнинг ўзаро ёзишмаларидан фойдаланилиши мумкин. Ушбу ҳолатда мазкур маълумотлар фақат улар эгаларининг розилиги билан ошкор қилинади, акс ҳолда юқори турувчи суд томонидан хусусий ажрим бекор қилиниши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, барча исботлаш воситалари суд томонидан хусусий ажрим чиқарилишида фойдаланиши мумкин, бироқ улар қонуннинг талабларига мувофиқ тўпланган, текширилган ва баҳоланган бўлиши шарт. Дарҳақиқат, ФПКнинг 56-моддасига кўра, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқланишига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, судлар томонидан хусусий ажрим чиқариш жараёнида процессуал қонунда кўрсатилган тартибда олинган исботлаш воситаларининг қўлланилиши судьяларнинг одил судловни амалга ошириш-даги фаолиятига тўсқинлик қилмайди ва унинг процессуал ваколатларини чекламайди, балки уларнинг интизомга риоя қилинишини, процессуал қонунларга қатъий амал қилишларини таъминлаб, уларнинг фаолиятини мантикий ва мақсадга йўналтиради.

Юқоридалардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, суд қонуний, асослан-тирилган ва адолатли хусусий ажрим чиқариш учун қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- мансабдор шахслар ёки айрим фуқаролар томонидан қайси қонун ва унинг қайси нормалари бузилганлиги;
- корхона, ташкилот ва муассасалар ишидаги камчиликларни, агар жинойт аломатлари мавжуд бўлса, унинг белгиларини;
- жинойй ҳаракатларнинг содир этилиш сабаблари, уни содир этишда кимлар айбдорлигини;
- йўл қўйилган қонунбузилишлари ва бошқа камчиликларни бартараф этиш ёки умуман йўқотиш ҳамда уларни келажакда қайтарилмаслик учун қандай чоралар кўрилиши кераклиги;
- ножўя оқибатларни бартараф қилишга оид чораларни айнан кимлар амалга ошириши кераклиги, адресатнинг тўлиқ номи, унинг ваколоти ва манзили, суднинг тавсиялари нимада ифодаланиши.

Ҳақиқатни аниқлаш мақсадида суд процесс иштирокчилари тақдим этган далиллар билан чекланиши ҳам мумкин. Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрича, яъни С.В.Курылевнинг фикрича, суд ишда иштирок этувчи шахслар тақдим этган далиллар билан чекланиб қолмасдан, иш ҳолатларини текшириш соҳасини кенгайтиришга ҳақли. Олимнинг фикрича, агар суд томонидан ўрганилаётган ҳолатлар кўрилаётган ишга доир юридик фактларни аниқлашга оид бўлса ва агар уларни текшириш ишни тез ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш вазифасига зарар келтирмаса суд иш ҳолатларини текшириш доирасини кенгайтириш мумкин. Бизнингча ҳам олимнинг ушбу фикрлари билан келишса бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, хусусий ажримлар судья томонидан алоҳида хона (маслаҳатхона) да чиқариладиган ажрим каторига киради. Хусусий ажримлар одатда, суд ҳал қилув қароридан сўнг чиқарилиб, алоҳида процессуал ҳужжат сифатида расмийлаштирилади ва фуқаролик ишини кўриб чиққан судья томонидан имзоланади. Суд ҳал қилув қарорлари каби хусусий ажримлар ҳам судьяларга ташқи таъсирдан холи, уларнинг ички ишончига асосланиб, алоҳида хона (маслаҳатхона) да чиқарилади.

Хусусий ажрим асосланаётган далиллар судьяларнинг ички ишончига асосланиб баҳоланади ва бундай баҳолаш натижалари ҳар доим ҳам бири-бирига тўғри келавермаслиги мумкин. Шунинг учун биз хусусий ажрим асосига прокурор ёки тарафларнинг вакиллари томонидан процессуал вазифа кўйилиб, улар томонидан билдирилган фикр ёки мулоҳазалар суд томонидан текширилаётган далилларга нисбатан суд хулосалари билан мос келмаса, улар учун процессуал қонунчиликда жиноий ёки бошқа хил жавобгарлик белгиланмайди. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам иш юзасидан сўнгги хулосани суд беради ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар ёки мулоҳазалар ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, ҳар қандай суд ҳужжатида каби хусусий ажримларга нисбатан ҳам юксак суд маданияти талаблари кўйилиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хусусий ажримлар

яхши ва аниқ мазмунда ёзилган бўлиши талаб этилади. Қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботнинг бузилишини олдини олиш юзасидан билдириладиган суд тавсиялари суд ваколатлари доирасидан четга чиқмаслиги лозим. Айтиш жоизки, фуқароларнинг шаъни, кадр қиммати камситувчи, суд ва унинг қарорлари обрўсини ерга урувчи хусусий ажримлар чиқариш ман қилинади.

Афсуски, судлар амалиётида тушунарсиз тилда ёзилган ёки ғалис, мантикий боғланмаган шаклдаги ифодаларда тузилган хусусий ажримлар ҳам учраб туради. Бунинг сабабларидан бири, бизнинг фикримизча, суд ҳал қилув қароридан сўнг чиқариладиган хусусий ажрим кўпинча раислик қилувчи томонидан шошилиш равишида тайёрланади. Айрим ҳолатларда ушбу ажримлар суд мажлиси котиби ёки хусусий ажрим чиқариш ваколатига эга бўлмаган, бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган шахслар, масалан судьянинг ёрдамчилари ёхуд судда практика қилаётган талабалар томонидан тайёрланиш ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Албатта бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда судларнинг қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашдаги муҳим вазифаларини амалга оширишларига тўсқинлик қилади. Ваҳоланки, процессуал қонун судларга хусусий ажрим чиқариш каби муҳим ваколатни берер экан, бунда у судларнинг фуқаролик ишларини қўриш ва ҳал қилишда профилактик ишларнинг муҳимлиги ҳақидаги талабларни қўяди. **Бизнинг фикримизча, юқоридаги каби нуқсонларга барҳам бериш ва уларнинг рўй беришига йўл қўймаслик мақсадида сифатсиз ва асоссиз хусусий ажрим чиқарган судьялар учун жавобгарлик масалаларини кучайтириш ва чиқарилган ҳар бир ноқонуний ва асоссиз хусусий ажрим учун уни чиқарган судьянинг шахсий маъсуллигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Хусусий ажримларни эълон қилиш ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Хусусий ажримни суд мажлисида эълон қилиш масаласини албатта раислик қилувчи ҳал қилади. Суд амалиёти шундан далолат берадики, аксарият ҳолларда иш юзасидан хусусий ажримлар суд мажлиси тамомланганидан кейин, суд ҳал қилув қарори эълон қилинганидан сўнг, хатто ишда иштирок

этувчи шахсларнинг иштирокисиз чиқарилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Юридик адабиётларда таъкидланишича, хусусан, А.П.Рыжаковнинг фикрича, хусусий ажримни суд мажлисида эълон қилишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини суд ҳал қилади¹. Айрим МДХ таркибига кирувчи давлатларнинг, хусусан, Россия Федерацияси Олий суди Пленуми қарорларида таъкидланишича, ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ишда иштирок этувчи шахсларга иш юзасидан хусусий ажрим чиқарилганлигини эълон қилиши ва у суд мажлиси баённомасига киритилиши ҳақида тушунтиришлар бериши лозим.²

Бизнинг фикримизча, хусусий ажримлар суд мажлисининг ўзида, айниқса фуқаролик иши сайёр суд мажлиси кўрилган тақдирда ҳал қилув қарори эълон қилинганидан сўнг эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. -Москва, Изд. «НОРМА» 2003. С.359.

² О повышении роли судов в выполнении требований закона, направленных на выявление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступлений и других правонарушений: постановление Пленума Верховного Суда РФ от 1 сентября 1987 г. № 5. Сборник. С. 599.

II БОБ. ХУСУСИЙ АЖРИМЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ) ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Хусусий ажримлар устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби

Одил судловнинг муҳим кафолатларидан бири суд қарорлари устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқи ҳисобланади. Қонуний кучга кирмаган суд қарорларини қайта кўриб чиқиш имконияти уларнинг ҳақиқийлиги ва одиллигини таъминлайди, суд фаолиятининг сифатини оширишга йўл қўяди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ва ишончли муҳофазасини кафолатлайди. Айтиш мумкинки, фуқаролик процессининг демократик тамойиллари суд фаолиятида ва асосли хал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг чиқарилишини таъминлашга қаратилгандир.

Фуқаролик суд ишларида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқлари фақат биринчи инстанция судидагина эмас, балки ишларнинг юқори инстанциясида кўрилишида ҳам ҳимоя қилинади. Бинобарин, агар ишнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаган, иш ҳолатларининг мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйилган бўлса бундай хатоликлар юқори инстанция судларида кўрилиб, аниқланиши ва тузатилиши мумкин.

Маълумки, суд томонидан қабул қилинган хусусий ажримлар ҳам манфаатдор шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилади. Шу сабабли хусусий ажримнинг чиқарилишидан норози бўлган шахслар юқори судга шикоят ёки прокурор эса протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган хусусий ажримлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбурлар.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини текшириш учун ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан иккинчи инстанция суди фаолиятининг қўзғатилишини ва бундай текширишнинг амалга оширилишини тартибга соладиган процессуал нормалар йиғиндисига фуқаролик процессида шикоят қилиш институти деб айтилади. Бу институтнинг моҳияти ва аҳамияти шундан иборатки, у суд қарорларининг қонуний, асослангандирилган ва адолатли бўлишлигини, қонунларнинг бир хилда тадбиқ этилишини ва шарҳланишини таъминлайди, тарафларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилишини кафолатлайди ва қуйидаги судларнинг фаолиятига юқори судлар томонидан раҳбарлик қилишнинг бир шакли бўлиб кўрилади.¹ Дарҳақиқат, юридик адабиётларда ҳам таъкидланишича, фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлари биринчи инстанция судлари йўл қўйган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилишида муҳим ўрин эгаллайди.²

Фуқаролик процессуал қонунчилиги билан суд ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари устидан шикоят бериш (протест келтириш) масаласи нисбатан узил-кесил тартибга солинишига қарамай, хусусий ажрим устидан шикоят бериш масаласи бизнинг назаримизда, муаммоли ва тўлиқ, узил кесил ҳал қилинмаган. Хусусий ажримлар устидан шикоят бериш масаласида айрим муаммоли масалаларнинг мавжуд эканлиги айрим юридик адабиётларда ҳам алоҳида таъкидланиб ўтилган.³ Процессуал ҳуқуқ назариясидаги ушбу ҳолат кўпгина Ҳамдўстликка аъзо давлатларининг Фуқаролик процессуал кодексларида ҳам турлича ёндашишга олиб келади. Масалан, муқаддам Россия давлатининг ФПКда хусусий ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи фақат ажрим билан жиноий иш қўзғатилгандагина берилиши каби

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи // Дарслик. -Т.: Адолат. 2001 йил. -350 б..

² Хусаинова Р.А. Фуқаролик ишларини апелляция тартибида судда кўриш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Тошкент. 2011. -3-4 б.

³ Обжалование судебных определений в гражданском процессе // «Вестник МГУ». 1999 г., №3, стр. 30.

коида мустаҳкамлаб қўйилган эди (РСФСР ФПКнинг 225-моддаси).¹ Кейинчалик, аниқроғи 2002 йилда қабул қилинган Россия Федерацияси ФПКнинг 226-моддасида хусусий ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқи назарда тутилмади.² Хатто Россия Федерацияси ФПКга берилган шарҳларда ҳам ушбу ажрим устидан шикоят келтириш мумкинлиги ҳақидаги масалага мутахассислар тўхталмаганлар.³ Бироқ турли илмий ишларда ва дарсликларда олимлар хусусий ажрим устидан шикоят қилинмаслигини таъкидлаб келмоқдалар. Масалан, А.А.Власовнинг фикрича, суднинг хусусий ажрим устидан шикоят қилинмайди.⁴

Бироқ аксарият Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида хусусий ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса ва ижро учун юборилган адресатгина шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги каби қоидалар белгиланган. Масалан, Украина ФПК нинг 211-моддаси иккинчи қисмига кўра, хусусий ажрим устидан шикоят ушбу ажрим кимнинг манфаатларига дахл қилган бўлса, ушбу шахс томонидангина берилиши мумкин.⁵ Худди шунга ўхшаш Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 253-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.⁶

Амалиётда фуқаролик ишлари бўйича хусусий ажрим кўпинча шикоят беришнинг мустақил предмети бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, даъвогар Г.нинг жавобгар туман молия бўлимига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича суд томонидан даъвогарнинг вакили-адвокатига нисбатан

¹ Данилов Е.П. Гражданский процессуальный кодекс РСФСР. Практическое пособие. Комментарий и постановочные материалы. Судебная и адвокатская практика. Образцы документов. – Изд-е 2-е. – М.: Право и Закон, 2001. – 501 с.; Диордиева О. Обжалование определений суда первой инстанции // Ж. «Российская юстиция», N 10, 2000.

² Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ. Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, N 46, ст. 4532.

³ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) Коллектив авторов. Отв. ред. Д.Ю.Н., проф. Г.А.Жилин. – М.: ТК Велби, 2005. – С. 447-448.; Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2006. – С. 534-535.

⁴ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. – М.: 2003.

⁵ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года № 1618-IV // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

⁶ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

хусусий ажрим чиқарилиб, унинг нусхаси адвокатлар ҳайъатига юборилган. Хусусий ажримда кўрсатилишича, адвокат А. судда даъвогар манфаатларини ҳимоя қилиб, суд мажлисида номуносиб хулқ-атворда бўлган ва суд мажлисида ўрнатилган тартибга амал қилмаган. Мазкур хусусий ажрим устидан даъвогарнинг вакили сифатида А. томонидан апелляция шикояти келтирилган ва иш материалларида суд хулосаларини тасдиқлайдиган фактлар бўлмаганлиги учун хусусий ажрим юқори суд томонидан бекор қилинган. Айтиш жоизки, тарафлар томонидан иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикояти, прокурор томонидан апелляция протести келтирилмаган.¹

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: даъвогар суд томонидан чиқарилган хусусий ажрим устидан шикоят қилишга ҳақли бўладими?

Юридик адабиётларда таъкидланишича, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга хусусий ажрим бевосита тааллуқли бўлмаса, улар хусусий ажрим устидан шикоят келтира олмайдилар, чунки уларнинг ҳуқуқ лаёқати фақат низони ҳал этувчи суд ҳал қилув қарорига ёки бошқа ажримларга нисбатангина вужудга келиши мумкин.² Мазкур фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар қачонки суднинг хусусий ажрими уларнинг манфаатларига дахл қилсагина шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Бироқ суд амалиётини таҳлил қилиш ва статистик маълумотларни анализ қилиш шундан далолат бермоқдаки, хусусий ажримлар устидан шикоят бериш (протест келтириш) институти амалиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида биринчи инстанция судининг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлиги тўғрисидаги

¹ Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йилги архив материалларидан.

² Чуйков Ю.Н. Частное определение в гражданском судопроизводстве. -М.: Юрлит. 1974. –С. 75-76.

умумий норма мавжуд бўлиб, унда хусусий ажрим бирон-бир шахснинг манфаатларига дахл қилган бўлсагина, ушбу шахс томонидан шикоят берилиши ҳақидаги шарт назарда тутилмаган.

Бизнинг фикримизча, хусусий ажрим устидан шикоят бериш имконияти фақатгина ишда иштирок этувчи ва хусусий ажрим манфаатларига дахл қилувчи манфатдор шахсларга берилиши керак, чунки уларнинг хусусий ажримни бекор қилдиришга ҳуқуқлари бор. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилмаса-да, лекин хусусий ажрим бевосита уларга тааллуқли бўлган шахсларга ҳам хусусий ажрим устидан шикоят келтириш ваколати берилиши керак. Прокурор эса ишда иштирок этиш этмаслигидан қатъи назар, суднинг хусусий ажрими устидан протест келтириш ваколатига эга бўлиши лозим.

Бизнингча, хусусий ажрим устидан айнан қайси шахслар хусусий шикоят келтиришга ҳақли бўлиши масаласини аниқлаштириш учун **Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек хусусий ажрим бевосита тааллуқли бўлган бошқа шахслар хусусий ажрим уларнинг манфаатларига дахл қилгудек бўлса, хусусий ажрим устидан унинг нусхаси берилган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида шикоят бериш, прокурор ишда иштирок этган этмаганидан қатъий назар протест келтириш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги ҳуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.**

Дарҳақиқат, хусусий ажрим чиқарилган шахсларга ўзлари иштирок этмаган иши бўйича хусусий ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг берилиши хусусий ажримнинг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишини таъминлашга ёрдам беради ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари сифатида эътироф этилади.

ФПКнинг 310-моддасига кўра, хусусий шикояти бериш ҳуқуқига тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар эга бўлади. Шунингдек,

хуқуқни қабул қилувчи (хуқуқий ворислар) шахслар ҳам мазкур хуқуққа эга бўладилар.

Қонун шунингдек, суддаги вакилларга ҳам, агар мазкур ваколат ишончномада назарда тутилган бўлса, хусусий ажримлар устидан шикоят қилиш хуқуқини беради.

Прокурор процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда хусусий протести келтиришга нафақат ҳақли, балки бурчидир. Шу ўринда хусусий протест келтириш хусусий ажримларининг қонунийлигини текширишдаги прокурор вазифасининг бир шакли сифатида кўрилади. Қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилувчи мансабдор шахс сифатида прокурор фуқаролик ишида иштирок этиш-этмаслигидан қатъий назар ҳар қандай иш бўйича протест келтиришга ҳақли.

Хусусий протест нафақат туман прокурори, балки юқори турувчи прокурор томонидан ҳам келтирилиши мумкин. Шунингдек, хусусий протестлар прокурор ўринбосарлари ёки агар ишда иштирок этган бўлсалар, бўлим ва бошқарма прокурорлари ҳам келтиришлари мумкин.

Хусусий ажримлар кўпинча апелляция тартибда текширилади. ФПКнинг 320-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасидаги ҳамма судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан ФПКнинг 320-моддасида белгиланган муддатда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция тартибида шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар устидан қонунда кўрсатилган ҳолларда хусусий шикоят (протест) лар берилганида, улар албатта текширилади. Хусусий ажрим устидан апелляция тартибида хусусий шикоят берилмаса (протест келтирилмаса) ва у қонуний кучга кирса, улар қонунда кўрсатилган ҳолларда кассация ва назорат тартибида текширилиши ва қайта кўрилишига қонун йўл қўяди.

Юқори судлар хусусий шикоят ва протестларни кўриш билан биринчи инстанция судларининг хатоларини тузатади ва шу билан одил судловнинг тўғри амалга оширилишига, фуқаролик хуқуқий муносабатларда қатнашув-

чиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, қуйи судларнинг қарорларини текшириш билан уларни тўғри ва қонуний ажримлар чиқариш учун йўлайди, улардан қонунларни тўғри тадбиқ этишни талаб этади ва улар устидан назорат олиб боради.

Хусусий ажрим апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиши учун процессуал сабаб бўлиб хусусий шикоят (хусусий протест) ҳисобланади. Айтиш мумкинки, хусусий шикоят (хусусий протест) – бу манфаатдор шахс (прокурор) нинг юқори судга қонуний кучга кирмаган хусусий ажримни, унинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш учун қайта кўриб чиқиши мақсадида мурожаат қилишидир. Бундай шикоят (протест) бериш хусусий ажрим судда эълон қилинган қонуннинг эртасиданок 10 кун муддатда ёзма шаклда амалга оширилади.

Хусусий ажрим устидан келтириладиган хусусий шикоят (протест) қуйидаги реквизитларга эга бўлиши талаб этилади:

- шикоят бериладиган ёки протест келтириладиган суднинг номи;
- шикоят ёки протест келтириладиган шахснинг тўлиқ номи (фамилияси, исми ва отасининг исми);
- хусусий ажрим чиқарилган фуқаролик ишининг аниқ номи ва уни чиқарган суд номи ;
- шикоят мазмуни ва унинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- хусусий шикоят берадиган ёки протест келтириладиган шахснинг илтимоси;
- шикоят протест) келтириладиган шахснинг талабларини тасдиқловчи далиллар.

Агар протест прокурор томонидан ёки шикоят адвокат томонидан келтириладиган бўлса, унда тегишли қонун нормасига ҳавола қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шикоят (протест) якунида уни келтириладиган шахснинг талаби(илтимоси) қисқа ва лўнда баён этилиб, ҳужжатлар иловаси тақдим этилади. Хусусий шикоят уни борадиган шахс ёки унинг вакили томонидан

(ишончномаси билан) имзоланади, протест эса прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Хусусий шикоят ёки протест берилиши бевосита апелляция инстанциясида ишнинг қўзғатилишига асос бўлавермайди.

Шикоят қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қонундаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

- 1) шикоят (протест) келтириш муддатига риоя қилиш;
- 2) хусусий шикояти (протести) келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан берилиши;

Юқоридаги шартлар бажарилмаган тақдирда шикоят ёки протест қайтиб берилади. Бизнинг фикримизча, хусусий шикояти (протести) келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилганлиги суд мажлисида аниқлангудек бўлса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши лозим.

Шунингдек, хусусий шикоят (протест) ФПКнинг 315-моддаси талабларига жавоб бериш лозим. Акс ҳолда хусусий шикоят (протест) ҳаракатсиз қолдирилади. Шунингдек, қуйидаги ҳолларда ҳам хусусий шикоят (протест) ҳаракатсиз қолдириши мумкин: а) хусусий шикоят (протест) уни берган шахс томонидан имзоланган бўлса; б) хусусий шикоят (протест)га уни бериш ваколатига эга бўлмаган шахс имзо қўйган бўлса; в) шикоят (протест)да шикоят (протест) келтирилаётган хусусий ажрим кўрсатилмаган бўлса.

Шикоят (протест) уни бериш тартиби ва мазмуни (ФПКнинг 322 ва 323-моддалари) нотўғри бўлса ва унинг учун давлат божи тўланмаган бўлса ҳам ҳаракатсиз қолдирилади.

Апелляция шикояти ва протестининг объекти қонуний кучга кирмаган суд хусусий ажримидир.

Хусусий шикояти асосида юқори суди биринчи инстанция судининг хусусий ажримини тўла ҳажмда текшириш шарт. Агар хусусий ажримнинг бир қисмига нисбатан хусусий шикоят (протест) келтирилган бўлса, шикоят қилинмаган қисми қонуний қисми кучга кирмайди.

Хусусий шикояти (протести) нинг предметини хусусий ажримнинг қарор (хулоса) қисмигина эмас, балки иш мазмунига таъсир қилиш-қилмаслигидан қатъий назар хусусий ажримнинг асослантириш қисми ҳам бўлиши мумкин.

Суд хусусий ажримлари устидан хусусий шикоят қилиш асослари шу билан ифодаланадики, хусусий ажримнинг хулоса қисми бошқа қарорларга ўз таъсирини ўтказадиган фактлар ва тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари ҳам қонуний кучга киради.

Шерик иштирокчилар ва мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар мустақил, алоҳида хусусий шикояти бериш орқали ёки хусусий шикоятга қўшилиш орқали ҳам иштирок этишлари мумкин. (ФПКнинг 326-моддаси). Хусусий шикоятга қўшилиш суд хусусий ажримдан алоҳида, мустақил равишда шикоят қилиш деб баҳоланмаслиги лозим, шунинг учун ҳам у бирон-бир муддат билан чегараланмайди ва давлат божи олинмайди.

Хусусий шикоятга қўшилиш тўғрисидаги ариза хусусий шикоят берилган кундан то иш бўйича суд хусусий ажримини чиқариш учун алоҳида хона (маслаҳатхона) га киргунга қадар бўлган барча вақтда берилиши мумкин. Ушбу аризада шерик иштирокчи ёки мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс хусусий ажримни ноқонуний ҳисоблаб, қўшимча асосларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Иккинчи инстанция суди томонидан хусусий ажримни тўла текшириб чиқиш мақсадида ишда иштирок этувчи шахслар хусусий шикоят (протест) юзасидан судга тушунтиришлар (эътирозлар билдиришлар) ҳақлидирлар. Мазкур эътирозлар айниқса апелляция инстанциясида шахсан иштирок эта олмаган ҳолларда жуда муҳимдир.

Эркин ҳуқуқ тамойилига кўра, хусусий шикоят берган шахс, ундан воз кечишга ҳақлидир. Агар апелляция суди томонидан воз кечиш қабул қилинса, шикоят кўрмасдан қолдирилади, апелляция тартибида иш юритиш эса тугатилади. Тўланган давлат божи эса қайтариб берилмайди.

Хусусий протестдан воз кечиш тартиби бошқачароқ бўлади. Хусусий протест суд мажлиси бошлангунга қадар тўлдирилиши, ўзгартирилиши ёки қайтариб олиниши мумкин. Агар ишни апелляция тартибида кўриш бошланган бўлса, суд протестни мазмуни бўйича текшириши лозим ва бу ерда прокурор хусусий протестни қўллаб-қувватлашдан воз кечиши мумкин холос.

Хусусий шикояти (протести) хусусий ажрим чиқарган судга нисбатан юқори турувчи суд томонидан кўриб чиқилади.

Одатда хусусий шикояти (протести) хусусий ажрим чиқарган судга берилади. Лекин ФПК ишда иштирок этувчи шахсларга хусусий шикояти (протести) билан юқори инстанция судига мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳам беради. Бундай ҳолда юқори турувчи суд хусусий шикояти (протести)ни олгач, ФПКнинг 325-моддасида кўрсатилган талабаларни бажариши учун хусусий ажримни уни чиқарган судга юборади.

2.2. Хусусий ажримларнинг қонуний кучи

Хусусий ажрим чиқариб ва тегишли орган ёки мансабдор шахсга кўрсатилган камчиликлар бартараф этишга қаратилган муайян ҳаракатларни содир этишга ундаб, суд шу билан қонун талабларини бажаради ва ушбу жараёнда ўз номидан эмас, балки давлат номидан ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг талаблари, хулосалари ва тавсиялари қонунда ўрнатилган тартибда шикоят берилмаган бўлса, мажбурий тусга эга бўлади. Хусусий ажримда кўрсатилган ва маълум ижтимоий ҳодисаларга тааллуқли суднинг иродаси ўзида бошқа судлов актлари сингари ҳокимият фармойишини ифодалайди. Хусусий ажримларнинг бошқа хил одил судлов актларидан фарқи шундаки, у фақат салбий ҳодисаларга бўлган алоҳида гуруҳ масалаларига қаратилган бўлади.

Хусусий ажрим бошқа суд ҳужжатлари сингари қонуний кучга киради. Процессуал адабиётларда суднинг қарорининг қонуний кучи деганда, иш бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг ишда иштирок этувчи шахслар

учун, шунингдек ишни кўрган суднинг ўзи учун ҳамда ишда иштирок этган-этмаганидан қатъи назар фуқаро ва корхоналар учун мажбурий эканлиги назарда тутилади¹. Агар суд қарорига нисбатан қонуний куч институти етарли асосда ҳал қилинган бўлса, суд хусусий ажримлари ҳақда гапириш ҳам мумкин эмас.

Манфаатдор шахслар томонидан хусусий шикоят берилмаган (протест келтирилмаган) бўлса, хусусий ажрим бошқа суд ажримлари каби 10 кундан сўнг қонуний кучга киради. Аммо бу ҳолат хусусий ажримнинг қонуний кучга кириш асослари бошқа суд қарорларининг хусусиятларидан фарқ қилмайди дегани эмас. Хусусий ажримларнинг қонуний кучи суд томонидан аниқланган ва бартараф қилиниши лозим салбий ижтимоий ҳодисалар категориясига нисбатан қонуннинг амал қилинишида ифодаланади.

Қонунда ўрнатилган тартибда шикоят қилинмаган хусусий ажрим кимга тегишли ёки суд томонидан қайси манзилга юборилган бўлса, улар учун мажбурий, сўзсиз тан олиш характерига эга бўлади.

Қонун шундай бир муддат белгилайдики, мазкур муддат ўтгандан кейин қарор қатъий бўлиб ҳисобланади, яъни қонуний кучга киради. Қонуний кучга кирган қарорлар тарафлар учун мажбурийдир. Суд қарори ўша қарорни чиқарган суд учун ҳам, бошқа барча судлар учун ҳам, шунингдек давлат ҳокимият органлари ва бошқармалари ҳамда шу ишга алоқадор барча фуқаролар учун ҳам мажбурийдир.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, қонуний кучга кирган суд қарори муайян ҳуқуқий оқибатларга, чунончи: мустаснолик, рад қилиб бўлмаслик, ижронинг музокаралиги каби оқибатларга сабаб бўлади.²

Суд қарорларининг МУСТАСНОЛИК хусусияти шундан иборатки, қонуний кучга кирган суд қарори тарафлар ўртасидаги худди ўша масалани яна судда кўришга имкон бермайди. Фуқаролик суд ишларини юргизишга

¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Окюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. – 483 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: Адолат. 2001 йил.

мувофиқ худди ўша тарафларнинг худди ўша асосларга биноан иккинчи марта даъво қўзғатишларига йўл қўйилмайди. Шу сабабли қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирда ўша тарафлар ўртасида ўша нарса устидан худди ўша асосларга биноан янгидан даъво қўзғатиш мумкин эмас. Мана шу уч элемент (худди ўша тарафлар, худди ўша нарса ва ўша асослар) мавжуд бўлган тақдирдагина ўша даъво даъволигича қолаверади.

РАД ҚИЛИБ БЎЛМАСЛИК хусусияти шундан иборатки, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини рад қилиб бўлмайди, тарафлар унинг устидан кассацион тартибда шикоят қила олмайдилар. Шу тартибда прокурор ҳам кассацион протест бера олмайди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қонунлар сингари барқарор бўлиши керак. Суд қарори устидан кўп марта шикоят қилиш йўли билан уни рад қилиш мумкин бўлганда эди, қарорнинг мана шу хусусияти бузилган булар эди.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш бир низони судда қайта-қайта текшириш мумкин бўлса эди, ҳал қилув қарори барқарор ва муайян бўлмас эди, ҳолбуки аксарият фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ҳал қилув қарорининг барқарор ва муайян бўлишини талаб қилади. Бу қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини суд назорати тартибида бекор қилиб бўлмайди, деган сўз эмас. Бироқ бундай бекор қилиш алоҳида ҳоллардагина мумкин ва тарафларнинг тўғридан-тўғри берган шикояти бўйича эмас, балки ҳал қилув қарорини назорат тартибида кўриш қоидалари асосида бўлади.

ИЖРОНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ хусусиятининг маъноси шуки, қонуний кучга кирган суд қарори албатта бажарилиши шарт, агар тегишли тараф уни ўз ихтиёри билан бажармаса, у давлат ҳокимияти органлари томонидан мажбуран бажартирилади. Масалани олдиндан ҳал қилиб қўйиш преюдициал-лотин сўзининг мазмунида суднинг чиқарган қарори шу тарафлар иштирок этаётган бошқа ишлар учун аҳамиятли бўлиб чиқарилган

бу қарор шахслар ўртасида шубҳа туғдирмаслик тушунилади. Суднинг қарори нафақат ишда қатнашувчи шахслар учун бошқа ишни кўраётган суд учун ҳам мажбурий бўлиб ҳисобланади. Бу қоида ФПКнинг 60-моддасида ўз ифодасини топган. Бунда айтилишича, суд фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини текширишга янгидан исбот қилинмаслиги кўрсатилган.

Бундан ташқари қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори жиноят ишларини кўрадиган суд учун ҳам мажбурийдир, аммо ҳал қилув қарорида белгиланган воқеа ёки иш тўғрисидаги масала юзасидангина мажбурийдир (ЖПКнинг 23-моддасини 2-қисми ёки ФПКнинг 60-моддасини 3-қисми).¹

Юқоридаги хусусиятлар қонуний қучга кирган суд ҳал қилув қарорларига тааллуқли эди. Энди эса суд хусусий ажримларининг қонуний қучга кириши қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Айтиш жоизки, худди суд ҳал қилув қарорлари каби ва айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, қонуний қучга кирган хусусий ажримлар ҳам мустаснолик, ижронинг муқаррарлиги ва рад қилиб бўлмаслик каби хусусиятларига эга бўлади.

Қонуний қучга кирган хусусий ажримнинг мустаснолиги мазкур ҳолатлар ва субъектлар бўйича яна бир хил ажрим чиқариш заруриятини истисно этишини англатади. Ҳуқуқшунос олим З.К.Абдуллина таъкидлаганидек, мустаснолик - бу хусусий ажрим қонуний қучининг уни такроран чиқариш заруратини истисно қиладиган хусусиятдир². Бошқа олим Г.В.Воронков ушбу фикр билан келишмаган ҳолда, хусусий ажрим қонуний қучининг ушбу хусусиятини инкор этиб, хусусий ажримлар у ёки бу процессуал муаммоларни ёки низоли ишларни мазмунан ҳал қилмаслигини ва бу муаммолар фақат фуқаролик иши кўриб чиқиляётганда аниқланган ҳолатлар билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Т. “Адолат” нашриёти, 2012 йил.

² Абдуллина З.К. О законной силе определений суда первой инстанций, стр.174

боғлиқ эканлигига ҳавола қилади¹. Унинг фикрича, хусусий ажримнинг мустаснолик хусусияти фақат ушбу ажрим билан процессуал муаммолар ҳал этилгандагина вужудга келиши мумкин. Хусусий ажрим конкрет бирон бир фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилмас экан, демак, хусусий ажрим айнан бир иш юзасидан иккинчи маротаба чиқарилиши ҳам мумкин экан.

Қонуний кучга кирган хусусий ажрим ҳам ижронинг муқаррарлиги каби хусусиятга эга бўлади. Процессуал адабиётларда бу ҳақда ҳам турли фикрлар изҳор қилинган. Хусусан, Э.М.Мурадян хусусий ажримнинг бу хусусиятини нафақат терминологик жиҳатдан (у «ижровийлик» атамаси ўрнига «реализация» атамасини таклиф қилади), балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам инкор қилади. Ҳуқуқшунос олим бундай ҳолатда «соф тарзда» ижро йўқлигини рўқач қилиб, умуман ушбу атамани процессуал ҳуқуқ назариясидан чиқариб ташлаб, уни реализация атамаси билан алмаштиришни ёқлаб чиқади.² Аммо кўпчилик процессуалчи олимлар хусусий ажримларнинг «ижровийлик» атамаси мавжудлигини эътироф этадилар. Масалан, улар ўз фикрларини юқори турувчи прокурор ёки бошқа мансабдор шахслар хусусий ажрим нусхасини олгандан кейин маълум бир чора кўриши шартлиги билан асослайдилар³.

Биз ҳам хусусий ажримларнинг ижронинг муқаррарлиги каби хусусияти мавжудлиги ҳақида билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаб, айтишимиз мумкинки, хусусий ажримнинг айнан мана шу хусусияти уни салбий ҳодисаларга, қонунбузарлик ва ҳуқуқ тартиботнинг бузилиши каби ҳолатларга қарши курашда ишончли ва самарали восита қилиб кўрсатади. Суд хусусий ажримнинг ижро этилиши орқали фуқаролик-ҳуқуқий низони вужудга келтирган салбий ҳодисаларнинг олдини олади. Қонуний кучга кирган хусусий ажримни қонуннинг маълум ҳаётий воқеликнинг содир бўлганлиги сифатида қараш лозим. Шахс ва ташкилотларнинг хоҳиш-иродаси фақат суд тавсиялари ва ҳулосаларини муайянлаштиришда хусусий ажримни

¹ Воронков Г.В. Определение суда первой инстанции в гражданском процессе. -Саратов. 2001 г., -116 с.

² Мурадян Э.М. Частное определения суда по гражданским делам, стр.16

³ Воронков Г.В. «Гражданский процесс», -М. Изд. «Норма». 1997 г., стр.212

тўлиқ ижро этиш учун адресатнинг жавобгарлигини тўғри тушунтиришини ҳисобга олган ҳолда ўринли бўлади.

Қонуний кучга кирган хусусий ажрим бошқа суд ҳужжатлари каби бир хил мажбурий характерга эга, фақат у «салбий ҳодисалар» га нисбатан амал қилади. Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, хусусий ажримни ким бўлишидан қатъий назар бажармаслиги ёки назар-писанд қилмаслиги қонунни менсимаслик ҳисобланади¹. Бизнинг фикримизча, хусусий ажрим нухаси юборилган шахс нафақат суд томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиши лозим, балки ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиб, суд тавсияларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатиши лозим.

Айтиш жоизки, хусусий ажримларнинг ижросини суднинг бошқа қарорлари, ҳукмлари, ажрим ва ҳал қилув қарорлари ижроси билан тенглаштириш мумкин эмас, чунки юқоридаги қарорларнинг ижроси давлатнинг мажбурият кучи билан таъминланади ва мажбурий равишда ижро этилиши шарт. Хусусий ажримларни ижро этиш эса асосан адресат учун суд ҳулосалари ва тавсияларнинг тўлиқ ва самарали ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташаббус кўрсатиш эркинлигини ҳам яратиб беради.

Хусусий ажримларнинг рад қилиб бўлмаслик хусусияти масаласи баҳсли ҳисобланади. Процессуал адабиётларда суд ҳужжатларининг рад қилиб бўлмаслигига аввало суднинг ҳал қилув қарорини ҳисобга олиб кўрилади. Ҳуқушунос олим К.С.Юдельсон буни қуйидагича асослайди: «суд ҳал қилув қарорини чиқаришдаги ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аниқланган фактлар тўғрисида суд ҳулосалари рад қилиб бўлмаслик хусусиятларига эгадир, ажримлар эса фармойиш характерига ва суд ҳал қилув қарорида акс этадиган ҳал қилув фаолиятига тегишли бўлади»². Айрим муаллифлар суд ажримларининг рад қилиб бўлмаслик хусусиятларини умуман инкор қиладилар³. Бизнинг фикримизча, хусусий ажримдаги суд

¹ Малыгин К. Повышать эффективность частных определений // Ж. «Рос. юстиция». 1998 г. 3№. С. -3-5.

² Юдельсон К.С. Основные задачи и формы деятельности суда первой инстанции в СГП.

—М.

«Юрлит». -126 с.

³ Воронков Г.В. юқоридаги асар. -117 бет.

томонидан аниқланган фактлар ёки ҳуқуқий муносабатлар моддий-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирганида ва шу иш бўйича исботлаш предметини ҳосил қилувчи юридик таркибий қисм мавжуд бўлгандагина рад қилиб бўлмаслик (преюдициал) характериға эға бўлади.

Қонуний кучға кирган ҳусусий ажримнинг рад қилиб бўлмаслик ҳусусиятини инкор қилувчи муаллифлар бундай ажримда кўпгина моддий ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган юридик фактлар акс эттирадиган ҳолатни эътиборға олмайди. Чунончи, меҳнат интизоми бузилиши факти суд томонидан аниқланганда, ҳусусий ажрим чиқариш учун асос бўлиши билан бирға, интизомий жазо қўллашға ёки ходимни ишдан бўшатиш учун асос бўлади. Суд томонидан бошқа иш кўриб чиқилганда, масалан, интизомий жазони бекор қилиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилганида, ўша фактлар рад қилиб бўлмас бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун олдин кўриб чиқилган иш бўйича чиқарилган ҳусусий ажримни судға тақдим этишнинг ўзи етарли.

Кўпинча иш бўйича исботлаш предметига кирувчи айнан ўша юридик фактлар икки хил аҳамиятиға эға бўлиб, иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ҳулосаларига ҳамда ўша иш бўйича ҳусусий ажримға асос бўлиб хизмат қила олади.

Айрим ҳолларда суд томонидан аниқланган фактлар исботлаш предметига кирмайди ва рад қилиб бўлмаслик ҳусусиятларига эға бўлмайди. Масалан, адвокат ёки прокурурнинг суд мажлисига узрсиз сабаблариз келмаслиги суд томонидан ҳусусий ажрим чиқариш учун асос бўлади.

Шундай қилиб, рад қилиб бўлмаслик ҳусусияти ҳусусий ажримларнинг кўпчилигига мансубдир ва асосан уларда суд томонидан аниқланган ва иш юзасидан суд мажлисида ўз исботини топган фактлар асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, қонуний кучға кирган ҳусусий ажрим умуммажбурий, мустаснолик, айрим ҳолларда эса рад қилиб бўлмаслик (преюдициал) характерға эға. Ҳусусий ажримнинг умуммажбурийлиги суд учун мажбурийлигида тушуниш лозим, чунки у ўзи ажрим чиқарган бўлса ҳам

уни ўзгартира олмайди ёки бекор қилмайди, шахсларга нисбатан чиқарилган хусусий ажрим уни ижро этиш учун юборилган адресат учун (ишда иштирок этган этмаганлигидан қатъи назар) мажбурий кучга эга.

Ҳар қандай суд ҳужжати каби (истисноларни ҳисобга олмаган ҳолда) хусусий ажрим унинг устидан шикоят бериш (протест келтириш) муддати ўтганидан ёки уни юқори турувчи суд томонидан ўзгаришсиз қолдирилганидан, хусусий шикоятни (протестни) қаноатлантирмаганидан кейин қонуний кучга киради.

Таъкидланганидек, ҳар қандай иш юзасидан ҳам хусусий ажрим чиқарилавермайди. Умумий қоидага кўра, бир иш бўйича бир неча хусусий ажрим ҳам чиқарилавермасда, лекин айрим ҳолларда бир иш бўйича бир неча хусусий ажрим чиқарилиши ҳам мумкин.

Суд амалиёти суд ҳал қилув қарори чиқармай тугатилган иш бўйича хусусий ажрим чиқарилиши мумкинлигини ҳам кўрсатади (масалан, иш юргизиш тугатилганда, ариза кўрилмай қолдирилганда йўл қўйилган ва иш юритиш давомида аниқланган қонунбузилишлари юзасидан хусусий ажрим чиқариш шулар жумласидандир). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида айнан шу хусусда тушунтиришлар бериб ўтилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 17 апрел 12-сонли қарорининг 54-бандида “суд даъводан воз кечишни қабул қилган ёки келишув битимини тасдиқлаган ва иш юритишни тугатган тақдирда, ишни кўришда аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқаришга ҳақли” эканликлари юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилади.¹

Мана шу ва шунга ўхшаш жиҳатлари билан хусусий ажримлар суд ҳал қилув қарорларидан фарқ қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шарқ. 1999. Б.99-100.

2.3. Хусусий ажримларнинг ижроси

Хусусий ажрим чиқарилиш ва унинг қонуний кучга кириши билан қонунбузарлик ва ҳуқуқ тартиботнинг бузилишини бартараф қилиш ва олдини олиш жараёнида янги босқич – хусусий ажримларни ижро этиш ва ижро устидан назорат қилиш босқичи бошланади.

Процессуал қонун суд қарорларини ихтиёрий ва мажбурий ижро этилишини назарда тутди. Суд ижрочиси суд ҳужжатини мажбурий ижрога қаратишдан аввал албатта қарздорга суд қарорини ихтиёрий ижро этиш учун беш кунлик муддат белгилайди. Ушбу муҳлат қарздорларнинг ижро босқичидаги муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатини ижро этиш тўғрисида»ги 2001 йил 29 августдаги Қонунида ўз ифодасини топган.¹ Агар қарздор Ушбу муддат давомида суд ижрочисининг қарорини ихтиёрий тарзда ижро этмаса, мажбурий ижро амалга оширилади ҳамда қарорни ихтиёрий равишда ижро этмаганлиги учун суд ижрочисининг қарорига кўра, қарздорларга агар у жисмоний шахс бўлса, энг кам иш ҳақининг ўн баравари, мансабдор шахс бўлса ўн беш баравари миқдорида жаримага солинади (Қонуннинг 82 моддаси). Шундан кўриниб турибдики, суд қарорларини ижро этишнинг дастлабки босқичи қонунда кўрсатилган муддат ичида ихтиёрий ижро этилишини назарда тутди.

Мажбурий ижрони амалга ошириш зарурияти қачонки суд қарори ихтиёрий ва қарздорга берилган муддатда бажарилмаганида юзага келади. Ушбу нуқтаи назардан қараганда суднинг бошқа қарори билан хусусий ажримларнинг ижроси ўртасидаги фарқлар мавжуд, чунки процессуал қонунда хусусий ажримни ижро этиш учун адресатга бир ойлик муддат берилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, хусусий ажримларнинг ижроси суд қарорларини ижросидаги шахсларнинг кенгроқ доирасига таъсир кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни. // «Халқ сўзи». 2001. 10 ноябр. № 230. 23, 82-моддалари.

Ўзининг юридик моҳиятига кўра, хусусий ажрим бошқа суд ҳужжатларидан фарқ қилмайди ва Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида умумий асосларга кўра ижро этилади. Шу билан бирга хусусий ажримни ижроси бўйича ишнинг мазмуни суд қарори ижроси билан айнанлаштириш мумкин эмас, чунки унинг юридик табиати ва мақсади суд қароридан фарқланади.

Хусусий ажримларнинг ижроси улар қонуний кучга кирганидан сўнг бошланади. Юридик адабиётларда бу борада турлича фикр мулоҳазалар билдирилади, хусусан, уларда таъкидланишича, «хусусий ажримнинг чиқарилиши ва адресатга юборилиши билан унинг ижроси бошланади»¹. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасига кўра, хусусий ажримни ижро этиш муддати хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхаси олинган кундан эътиборан ҳисобланиши кўрсатилган.

Бизнингча, хусусий ажримлар ижросининг бошланиши куни сифатида у қонуний кучга киргандан кейин нусхаси адресатга жўнатилиб, адресат унинг нусхасини олган кундан эътиборан ҳисобланиши лозим. Шунинг учун ҳам юқоридаги турли хил фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ва суд амалиётида юзага келаётган тушунмовчиликларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасининг биринчи қисми охири хат бошиси қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқдир:

“ Бундай хабар хусусий ажрим (қарор) қонуний кучга киргач, унинг нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим”

Хусусий ажримнинг ижроси суд ҳулосалари ва тавсияларини ҳаётга татбиқ этилишида мужассамланади. Шундан бу тавсиялар қанчалик асослантирилган ва реал бўлса, хусусий ажрим нусхаси юборилган шахсларнинг имкониятларини қанчалик эътиборга олса ва уларга хусусий

¹ Бажанов М.И. Законность и обоснованность частных определений // Ж. «Рос.юстиция», № 4. 1998 г. -23 стр.

ажримнинг нусхаси қанчалик ўз вақтида юборилса, шунчалик натижаси самаралироқ ва таъсирчан бўлади. Аммо бу масаланинг судга боғлиқ томонидир. Энди хусусий ажрим нусхаси юборилган шахсларга боғлиқ томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу шахслар бир ойлик муддатда судга салбий ҳолатларни бартараф қилиш учун кўрган чоралари тўғрисида хабар беришга мажбурдир.

Суд назорати хусусий ажримлар ижросининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Суд амалиётини ўрганиша ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳар бир хусусий ажрим алоҳида ҳисобда туриши ва судьялар диққати марказида бўлиши керак. Шу мақсадда судлар томонидан алоҳида назорат ишлари юритилади, ҳар бир хусусий ажримга алоҳида «иш» юритилиб, унга хусусий ажрим нусхаси ва адресатларга юборилган хатлардан ташқари, бутун жўнатмалар тикилади. Ўйлаймизки, хусусий ажрим ижроси натижалари тўғрисидаги ушбу маълумотлар хусусий ажрим чиқариш амалиётининг умумлаштирилишини анча енгиллаштириши мумкин.

Ҳуқуқшунос олим М.И.Бажановнинг фикрича, хусусий ажримларнинг ижроси устидан назорат ўз ичига икки босқични қамраб олади: биринчиси- хусусий ажрим бўйича кўрилган чоралар ҳақида судни ўз вақтида хабардор қилиш; иккинчиси – жамоатчилик вакиллари ёрдамида хусусий ажримнинг жойидаги ижросини текшириш¹. Айрим ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича судлар адресатларга хусусий ажрим бўйича кўрсатилган чораларни кўрганлиги ҳақидаги жавобни олиш учун ойлаб хат-жўнатмалар юборадилар. Шуларнинг ҳамаси суд органларини хусусий ажримлар ижросини доимо назорат қилиб боришини тақозо қилади.

Лекин шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, М.М. Мамасиддиқов ўзининг «Хусусий ажрим нима?» деб номланган мақола-ласида хусусий ажримнинг ижросини таъминлаш уни чиқаришга нисбатан муҳим аҳамият касб этишини ва фуқаролик процессуал қонунчиликда хусусий ажримни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш масаласи

¹ Бажанов, кўрсатилган мақола. 24-б.

тўлиқ тартибга солинмаганлигини таъкидлаб ўтади.¹ Дарҳақиқат, ФПКнинг 19-моддасида суд хусусий ажрими (қарори)ни ижро қилмаган шахсларга нисбатан қандай чора кўриш лозимлиги ёритиб берилмаган. Бу эса ўз навбатида судларнинг айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларининг олдини олишдаги муҳим вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Ҳуқуқий адабиётларда мазкур масала юзасидан турлича фикр мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим М.Авдюковнинг фикрича, хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида судга ўз вақтида хабар бериш мажбурияти тегишли жавобгарлик орқали таъминланиши лозим. Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, хусусий ажримни ижро қилмаган ёки лозим даражада ижро қилмаган шахсларга маъмурий жазо чораларини қўллаш лозимлигини, хусусан, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солиш лозимлигини таклиф қилади.²

Айтиш жоизки, айрим Ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида хусусий ажримларни ўз вақтида ижро қилмаган шахсларга тегишли санкциялар қўлланилади. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 226-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар мансабдор шахслар хусусий ажрим юзасидан ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судни хабардор қилмасалар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жавобгар бўлишлари ва ушбу жавобгарлик хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида судни хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бизнинг фикримизча ҳам суд хусусий ажримларини ижро этмаган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, агар шунда ҳам суд ажримини ижро қилмаса, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга бу ҳақда хабар бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида ўз аксини топиши лозим.

¹ Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? // “Инсон ва қонун» газетаси, 2003 йил 29 апрел. № 17, -3 бет.

² Мамасиддиқов М.М. Ўша мақола.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритилиб, қуйидагича таҳрирда баён этилишини таклиф қиламиз:

“Агар мансабдор шахслар хусусий ажрим юзасидан ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судни хабардор қилмасалар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида, фуқаролар эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жавобгар бўладилар. Мазкур жавобгарлик хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида судни хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.”

ХУЛОСА

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлган хусусий ажримлар ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш мақсадида битирув малакавий иши юзасидан қуйидаги хулоса ва тавфсияларни баён қилишимиз мумкин:

1. Судлар томонидан хусусий ажрим чиқариб, юзага келган қонунбузилишига ўз вақтида муносабат билдиришларини тўғри йўлга қўйиш, бу борда улар масъулиятини ошириш ҳамда ушубу жараёнда ишда иштирок этувчи шахслар иштирокини кенгайтириш мақсадида ЎЗР ФПКнинг 19-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим бўлади:

“Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига биноан хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хусусий ажримнинг (қарорнинг) нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида хабар қилишлари шарт.

2. Айтиш жоизки, амалдаги фуқаролик процессул қонунчиликда суд хусусий ажримнинг нусхасини ишда иштирок этмаган, лекин хусусий ажрим юзасидан тегишли маълумотнимани юбориш вазифаси юклатилган шахсларга, шунингдек адресатга ижро учун қанча вақт ичида жўнатиши кераклиги тўғрисида ҳуқуқий норма кўрсатилмаган. Судлар хусусий ажрим нусхасини қанча муддатдан кечиктирмай адресатга юбориши юзасидан фуқаролик процессуал қонунчиликда тегишли ҳуқуқий норма мавжуд бўлмаганлиги боис, унинг нусхасини юборишни номаълум муддатга кечиктириш ҳоллари ҳам кузатилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ФПКнинг 19-моддаси биринчи қисмининг хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади, бу шахслар ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари шарт.

3. Афсуски, судлар амалиётида тушунарсиз тилда ёзилган ёки ғалис, мантикий боғланмаган шаклдаги ифодаларда тузилган хусусий ажримлар ҳам учраб туради. Бунинг сабабларидан бири, бизнинг фикримизча, суд ҳал қилув қароридан сўнг чиқариладиган хусусий ажрим кўпинча раислик қилувчи томонидан шошилиш равишида тайёрланади. Айрим ҳолатларда ушбу ажримлар суд мажлиси котиби ёки хусусий ажрим чиқариш ваколатига эга бўлмаган, бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган шахслар, масалан судьянинг ёрдамчилари ёхуд судда практика қилаётган талабалар томонидан тайёрланиш ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Албатта бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда судларнинг қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашдаги муҳим вазифаларини амалга оширишларига тўсқинлик қилади. Ваҳоланки, процессуал қонун судларга хусусий ажрим чиқариш каби муҳим ваколатни берер экан, бунда у судларнинг фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда профилактик ишларнинг муҳимлиги ҳақидаги талабларни қўяди. **Бизнинг фикримизча, юқоридаги каби нуқсонларга барҳам бериш ва уларнинг рўй беришига йўл қўймаслик мақсадида сифатсиз ва асоссиз хусусий ажрим чиқарган судьялар учун жавобгарлик масалаларини кучайтириш ва чиқарилган ҳар бир ноқонуний ва асоссиз хусусий ажрим учун уни чиқарган судьянинг шахсий маъсуллигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.**

4. Айрим МДХ таркибига кирувчи давлатларнинг, хусусан, Россия Федерацияси Олий суди Пленуми қарорларида таъкидла-нишича, ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ишда иштирок этувчи шахсларга иш юзасидан хусусий

ажрим чиқарилганлигини эълон қилиши ва у суд мажлиси баённомасига киритилиши ҳақида тушунтиришлар бериши лозим.¹

Бизнинг фикримизча, хусусий ажримлар суд мажлисининг ўзида, айниқса фуқаролик иши сайёр суд мажлиси кўрилган тақдирда ҳал қилув қарори эълон қилинганидан сўнг эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Бизнинг фикримизча, хусусий ажрим устидан шикоят бериш имконияти фақатгина ишда иштирок этувчи ва хусусий ажрим манфаатларига дахл қилувчи манфатдор шахсларга берилиши керак, чунки уларнинг хусусий ажримни бекор қилдиришга ҳуқуқлари бор. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилмаса-да, лекин хусусий ажрим бевосита уларга тааллуқли бўлган шахсларга ҳам хусусий ажрим устидан шикоят келтириш ваколати берилиши керак. Прокурор эса ишда иштирок этиш этмаслигидан қатъи назар, суднинг хусусий ажрими устидан протест келтириш ваколатига эга бўлиши лозим.

Хусусий ажрим устидан айнан қайси шахслар хусусий шикоят келтиришга ҳақли бўлиши масаласини аниқлаштириш учун **Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек хусусий ажрим бевосита тааллуқли бўлган бошқа шахслар хусусий ажрим уларнинг манфаатларига дахл қилгудек бўлса, хусусий ажрим устидан унинг нусхаси берилган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида шикоят бериш, прокурор ишда иштирок этган этмаганидан қатъий назар протест келтириш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги ҳуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.**

6. Хусусий ажримлар ижросининг бошланиши куни сифатида у қонуний кучга киргандан кейин нусхаси адресатга жўнатилиб, адресат унинг нусхасини олган кундан эътиборан ҳисобланиши лозим. Шунинг учун ҳам

¹ О повышении роли судов в выполнении требований закона, направленных на выявление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступлений и других правонарушений: постановление Пленума Верховного Суда РФ от 1 сентября 1987 г. № 5. Сборник. С. 599.

юқоридаги турли хил фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ва суд амалиётида юзага келаётган тушунмовчиликларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасининг биринчи қисми охири хат бошиси қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқдир:

“ Бундай хабар хусусий ажрим (қарор) қонуний кучга киргач, унинг нусхаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида маълум қилиниши лозим”.

7. Айтиш жоизки, айрим Ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида хусусий ажримларни ўз вақтида ижро қилмаган шахсларга тегишли санкциялар қўлланилади. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 226-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар мансабдор шахслар хусусий ажрим юзасидан ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судни хабардор қилмасалар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жавобгар бўлишлари ва ушбу жавобгарлик хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида судни хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Фикримизча ҳам суд хусусий ажримларини ижро этмаган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, агар шунда ҳам суд ажримини ижро қилмаса, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга бу ҳақда хабар бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида ўз аксини топиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 19-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритилиб, қуйидагича тахрирда баён этилишини таклиф қиламиз: **“Агар мансабдор шахслар хусусий ажрим юзасидан ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судни хабардор қилмасалар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида, фуқаролар эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жавобгар бўладилар. Мазкур жавобгарлик хусусий ажрим юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида судни хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.”**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б.23-24.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // “Тошкент оқшоми” газ. 2002. 30 авг.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2010 йил.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, “Ўзбекистон”. 2012 йил. 10-бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент, «Адолат». 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. – Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Тошкент, «Адолат». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий нашри. 2012 йил.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Тошкент, “Адолат”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий нашри. 2012 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни//“Халқ сўзи”. 2001. 10 ноябр. № 230. 23, 82-моддалари.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2000 й. № 3. 30-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сонли Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 4 октябрдаги ПФ-4570-сонли Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 21 октябрь, 42-сон, 556-модда.

Халқаро-ҳуқуқий манбалар ва хорижий давлатларнинг қонунлари:

1. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ. Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, N 46, ст. 4532.
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 г. № 238-З принят Палатой представителей 10 декабря 1998 года Одобрен Советом Республики 18 декабря 1998 года // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.
3. Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года № 1618-IV // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

4. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.
5. Нормативное постановление Верховного суда Республики Казахстан от 25 июня 2010 года № 1 «О практике вынесения судами частных определений по гражданским делам».
6. Постановление Пленума Высшего Хозяйственного суда Республики Беларусь “О практике вынесения частных определений” от 21 ноября 2002 г. № 15.

III. Илмий адабиётлар.

1. Илмий китоблар, рисоалар, тўпламлар:

1. Бажанов М.И. Законность и обоснованность частных определений // Ж. «Рос.юстиция», № 4. 1998 г. -23 стр.
2. Бохан Е.Ф. «Вопросы судебной психологии» II нашр. –Минск.1999, 49 бет.
3. Воронков Г.В. Частные определения суда первой инстанции в советском гражданском процессе, «Ученые записки Саратовского юридического института им. Д.И.Курского», XII нашр, 1996, 92 бет;
4. Воронков Г.В. «Гражданский процесс», -М. Изд. «Норма». 1997 г., стр.212.
5. Воронков Г.В. Определение суда первой инстанции в гражданском процессе. -Саратов. 2001 г., -116 с.
6. Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003.
7. Данилов Е.П. Гражданский процессуальный кодекс РСФСР. Практическое пособие. Комментарий и постатейные материалы. Судебная и адвокатская практика. Образцы документов. –Изд-е 2-е. –М.: Право и Закон, 2001. -501 с.;

8. Диордиева О. Обжалование определений суда первой инстанции // Ж. «Российская юстиция», N 10, 2000.
9. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.
10. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. -Москва, Изд. «НОРМА» 2003. С.359.
11. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) Коллектив авторов. Отв. ред. Д.Ю.н., проф. Г.А.Жилин. –М.: ТК Велби, 2005. –С. 447-448.
12. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. –М.: Норма, 2006. – 535 с.
13. Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? // “Инсон ва қонун» газетаси, 2003 йил 29 апрел. № 17.
14. Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқи ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари. Ҳаёт ва қонун. № 1. 2004 й. 47 бет.
15. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. - 491 б.
16. Малыгин К. Повышать эффективность частных определений // Ж. “Рос. юстиция”. 1998 г. 3№. С. -3-5.
17. Михайлянц А.Г. Эффективность частных определений суда в предупреждении преступлений. -Ташкент, 1973, с. 5.
18. Хусаинова Р.А. Фуқаролик ишларини апелляция тартибида судда кўриш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Тошкент. 2011. -3-4 б.

19. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процес-суал ҳукуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001 йил. -231 бет.

Судга доир ҳужжатларлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 28 декабр кундаги “Хўжалик судининг хусусий ажрими тўғрисида”ги 172-сонли қарори. ИПС “Норма”.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 36-банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шарқ. 1999. Б.126 -127.
4. Умумий юрисдикция судларининг 2011 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Тошкент, 2011.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 майдаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция ажримлари тўғрисида”ги 7-сонли қарори. ИПС “Норма”.
6. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2012 йил май ойидаги архив материалларидан.
7. Фуқаролик ишлари бўйича Юнусобод туманлараро судининг 2013 йил январ ойи архив материалларидан.